

# СОЛИҚ ва БОЖЖОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 21 (1345) • 2020 йил 26 май

ISSN 2010-524X

## УШБУ СОНДА

Раҳбар корхонага хом ашёни беғараз беришга ҳақлими?

4-бет

Бухгалтерга тавсиялар: бепул ёрдам ҳисобига айланма маблағлар тўлдирилганда



5-6-бетлар

Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор

7-12-бетлар

Май: жисмоний шахсларнинг даромадидан олинadиган солиқлар

13-14-бетлар

Инвесторлар портали нима учун керак

15-бет

Божжона имтиёзлари савол-жавобларда

16-бет

## КЕЧИКТИРИЛГАН СОЛИҚ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛИ СТАВКА

Молия вазирининг ўринбосари Дилшод СУЛТОНОВ [post.uz](http://post.uz) билан интервьюсида Президентнинг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон) қимларга татбиқ этилиши ва ушбу имтиёзларни қўллаш учун шартлар қандай эканлигини тушунтирди. Фармонни ижро этиш мақсадида қандай бизнес «кичик бизнес» ҳисобланади, имтиёзлар яқка тартибдаги тадбиркорларга татбиқ этиладими, илгари кечиктирилган солиқ суммаларини ҳисобдан чиқариш таомили қандай, солиқ бўйича кечиктиришга эга бўлган ҳолда солиқларнинг имтиёзли ставкаларидан фойдаланиш мумкинми?

– Ушбу имтиёзларнинг асосий субъекти – микро ва кичик корхоналар. Мол-мулк ва ер солиқларидан озод этиш учун айланманинг миқдори 1 млрд сўмдан камлиги ёки ортиқлиги аҳамиятга эгами?

– Йўқ, аҳамиятга эга эмас. Айланма миқдорига солиқ солиш тартиби

боғлиқ – ёки айланмадан олинadиган солиқ (тушум 1 млрд сўмгача бўлганда) ёхуд ҚҚС ва фойда солиғи (тушум 1 млрд сўмдан ортиқ бўлганда). Мол-мулк ва ер солиқларини айланмадан қатъи назар, солиқ солиш объекти мавжуд бўлса, ҳамма тўлайди.

Улардан 2020 йилнинг 1 июндан 1 сентябрга қадар фақат кичик бизнес субъектлари ва кичик бизнес ҳисобланмаслиги ҳам мумкин бўлган кўпчилик хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари озод этилган. Бу – бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан, банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар.

Шу боис ушбу имтиёздан фойдаланиш учун микро ёки кичик корхона бўлиш керак. Ёки сизнинг корхонангиз юқорида кўрсатилган фаолият турлари билан шуғулланса, у йирик корхона бўлиши ҳам мумкин.

– Корхона микро ёки кичик бизнес субъекти ҳисобланишини қандай аниқлаш мумкин?

– Мезон бу ерда оддий – штатдаги ходимлар ва фуқаролик-ҳуку-

кий шартнома бўйича иш бажарувчи шахсларнинг ўртача йиллик сони. Бу сон ўтган 2019 йил якунлари бўйича аниқланади.

Ушбу ходимлар сонини Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотларнинг таснифлагичида белгиланган энг юқори сон кўрсаткичлари билан солиштириш зарур. Агар у Таснифлагичда белгиланган кўрсаткичлардан паст ёки тенг бўлса, корхона кичик бизнес субъекти ҳисобланади, агар юқори бўлса – ҳисобланмайди.

Яна бир бор эътиборингизни жалб қиламан – бунда тушумнинг миқдори ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Яъни корхона автомобиллар ва енгил автотранспорт воситалари улгуржи савдоси билан шуғулланса ва ходимларнинг ўртача йиллик сони унда 6 дан 25 нафаргача бўлса, у кичик ҳисобланади. Бунда унинг айланмаси ўнлаб ёки юзлаб миллиард сўмни ташкил қилиши мумкин.

– Яқка тартибдаги тадбиркорлар кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланadими? Агар ҳисобланса, имтиёзлар нисмаларга татбиқ этилади? Уларда ҳам ишлаб чиқариш, ҳам шахсий мол-мулк мавжуд...

– Яқка тартибдаги тадбиркорлик

2-бетда



## ✓ ЖАРАЁН

### ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ: МУРАККАБ ДАВРДА ҲАМ ФАОЛИЯТ ТЎХТАМАЙДИ

Мамлакатимиз Президенти раислигида 13 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Самарқанд вилоятидаги тўқимачилик корхоналари 37 минг тонна ип-қалава ишлаб чиқариш қувватига эга эканлиги, лекин ҳозирда уларнинг атиги 48 фоиздан фойдаланилаётганлиги таъкидланди. Шу боис, тўқимачилик саноати қувватларининг ишлаш даражасини ошириш, вилоятдаги 2 та пахта-тўқимачилик кластерида юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кўрсатмалар берилди.

Карантин чоралари қўлланилгани боис вилоятимизда 4869 та тадбиркорлик субъекти фаолиятини вақтинча тўхтатишга мажбур бўлган эди. Бундай пайтда вилоятимиздаги ишламаётган корхоналарнинг ишчилари ва чет элдан қайтиб келган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳозир-

да 3 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти ишга қайта бошлади ва 23 минг нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Йирик текстиль корхоналари эса санитария қоидаларига амал қилган ҳолда ишлаб чиқаришни тўхтатмай барқарор фаолият юритмоқда.

Нисол учун, Самарқанд шаҳридаги «SAMARKAND EUROASIA TEXTILE» кор-

хонасида дастлаб эркаклар қўйлаги ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирда корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг тури 20 дан ошиб, ишчилар сони 500 нафардан ортди.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган чойшаб, ёс-тик ва кўрпа жилдлари, дастурхон ҳамда бошқа маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда талаб ортиб

3-бетда

## КЕЧИКТИРИЛГАН СОЛИҚ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛИ СТАВКА

**1-бетда** фаолияти – бу ҳам кичик бизнес. Шу сабабли уларга нисбатан ҳам микро ва кичик корхоналарга татбиқ этиладиган имтиёзлар амал қилади. Бунда яқка тартибдаги тадбиркорлар учун мол-мулк ва ер солиқлари бўйича имтиёзлар фақат ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилаётган объектларга татбиқ этилади.

– 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон ва 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон Фармонлар асосида фойсиз кечиктириши (бўлиб-бўлиб бўлиб) тақдим этилган, Фармон билан улар бўйича 2020 йил апрель ва май ойлари учун тўлашни лозим бўлган мол-мулк ва ер солиқлари суммалари ҳисобдан чиқарилади. Гап қимлар хусусида бормоқда?

– Бу тартиб маҳаллий давлат ҳокимияти органлари орқали ёхуд солиқ органларини хабардор қилиш асосида мазкур солиқларни тўлаш бўйича кечиктиришни олган кичик тадбиркорлик субъектлари хусусида бормоқда.

Ушбу имтиёз ўз фаолиятини тўхтаганларга ва (ёки) товарлар (хизматлар) реализациясидан тушуми жорий йилнинг 1 чорагидаги ўртacha ойлик миқдорига нисбатан 50%дан кўпроққа камайганларга тақдим этилган.

Янги Фармон билан юқорида санаб ўтилган кечиктирилган суммалардан апрель ва май ойлари учун суммалар ҳисобдан чиқарилади. Яъни кичик тадбиркорлик субъектлари – кўрсатилган шартларга риоя қилинганда – жорий йилнинг 1 апрелдан 1 сентябрга қадар ёки 5 ой муддатга (кечиктирилган апрель-май + озоод этиладиган июнь-август) мол-мулк ва ер солиқларини тўлашдан озоод этилади.

– Илгари аввалги Фармонлар билан кечиктирилган мол-мулк солиғи ва ер солиғи суммаларини ҳисобдан чиқариши

таомили қандай? Мазкур масала бўйича қайсибир инстанцияларга мурожаат қилиш лозим бўладими?

– Апрель ва май ойлари учун мол-мулк солиғи ва ер солиғи суммаларини ҳисобдан чиқариш солиқ органлари томонидан амалга оширилади.

Яқин кунларда Молия вазирлиги тегишли тушунтиришларни, жумладан мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича солиқ хисоботи тақдим этиш тартиби, шунингдек ижтимоий солиқнинг пасайтирилган ставкасини қўллаш юзасидан тушунтиришларни эълон қилади.

– Шунингдек 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб 2020 йил 15 май ҳолатигача ҳосил бўлган мол-мулк ва ер солиқлари бўйича пеня ва жарималар ҳисобдан чиқарилади. Пеня ва жарималарни ҳисобдан чиқариши солиқ органлари билан келишиши (солиштириши далолатномаси) таомилини ўтказиш зарур бўладими?

– Солиқ тўловчининг шахсий карточкасида кўрсатилган жарималар ва пеняларни ҳисобдан чиқариши солиқ органлари амалга оширади. Тадбиркорлар ҳеч қасерга мурожаат қилишлари зарур эмас.

– Янги Фармон бўйича ижтимоий солиқ бўйича кечиктиришга эга субъект, энди пасайтирилган ставка бўйича (12% ўрнига – 1%) солиқни қайта ҳисоблаши мумкинми?

– 2020 йилнинг 1 майдан 1 июлига қадар микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ижтимоий солиқнинг ставкаси 12%дан 1%гача пасайтирилади. Бу пасайиш шу даврда кечиктирилган мажбуриятларга ҳам татбиқ этилади. Яъни жорий йилнинг 1 майдан 1 июлга қадар бўлган даврга кечиктирилган ижтимоий солиқ 1% миқдоридан тўланади. 1 июлдан бошлаб кечиктирилган суммалар бўйича ижтимоий солиқ 12% ставка бўйича ҳисобланади.



## ТАШКИ САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИ ЯНГИ СХЕМА БЎЙИЧА МОНИТОРИНГ ҚИЛИНАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 14.05.2020 йилдаги 283-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди (СБХ мазкур сонининг ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).

Қарорга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар ташқи савдо контрактлари ва инвойслар бўйича маълумотларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (ТСОЯЭАТ) киритилади. Маълумотлар электрон шаклда электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали киритилади.

Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга импорт ва экспорт биржа (ярмарка) контрактлари, қайта ишлаш (республика худудида) бўйича контракт, марказлаштирилган импорт ва экспорт контрактлари, экспорт консигнация контрактлари тушунчалари киритилди.

Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг ва назорат олиб бориш схемаси белгиланди, у 4 босқични ўз ичига олади.

I – ТСОЯЭАТга қуйидаги маълумотлар:

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан – ташқи савдо операциялари бошланғич қадар тузилган ташқи савдо контрактлари ва инвойслар;

- биржа (ярмарка) томонидан – биржада тузилган контрактлар контракт биржада тузилгандан сўнг 1 иш куни мобайнида киритилади.

II – ТСОЯЭАТга қуйидаги маълумотлар:

- тижорат банклари, газначилик бўлиналари, товар-хом ашё бижалари томонидан – ҳисоб-китоблар амалга оширилганда онлайн тарзда келиб тушадиган контракт ва инвойслар бўйича валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисида ахборотлар;

- божхона хизмати органлари томонидан – товарлар тушганда ёки юклар жўнатилганда онлайн тарзда келиб тушадиган контракт ва инвойс бўйича БЮД маълумотлари;

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан – ишлар ва хизматлар далолатномаси у тузилган кунда 1 кун ичида киритилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУҚда экспертизадан ўтказилиши лозим бўлган контрактлар бўйича маълумотлар Марказнинг тегишли хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина киритилади. Экспертиза 20 кун ичида ўтказилади.

III – валютани назорат қилувчи органлар ва тижорат банклари амалга оширилган ташқи савдо операциялари устидан тааллуқлилиги бўйича ўз ваколати доирасида мунтазам равишда мониторинг ва назоратни амалга оширади.

IV – божхона хизмати органлари ва тижорат банклари ҳар бир ой якуни бўйича божхона ва валюта қонунчилиги, ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби бузилиши аломатлари аниқланганда ахборотни солиқ органларига тақдим этади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 16.08.2020 йилдан қучга қиради.

Эльмира СИРАЗИЕВА.

УШБУ СОНДА:	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР</b> – Кечиктирилган солиқ бўйича имтиёзли ставка</li> <li>– Ташқи савдо операциялари янги схема бўйича мониторинг қилинади</li> </ul> <p style="text-align: right;"><b>1-2-бетлар</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– Республикада сотилганда имтиёзлар сақлаб қолинади</li> <li>– Имтиёз – товарлар учун, импорт қилувчи учун эмас</li> </ul> <p style="text-align: right;"><b>1, 3, 16-бетлар</b></p>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>БОЖХОНА</b> – Тўқимачилик саноати: мураккаб даврда ҳам фаолият тўхтамайди</li> <li>– Сирдарё саноати: имтиёзлар қулайлик яратмоқда</li> <li>– Сифати кафолатланмаган болалар озуқалари</li> <li>– Тўловлардан қочишга уриниш наф бермади</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>СОЛИҚ СОЛИШ</b> – Жисмоний шахсга кўмак: ҳисоботда акс этириш</li> <li>– ҚҚС тикланиши учун 12 ой керак</li> <li>– Директор корхонага хом ашёни бегараз берганда</li> </ul> <p style="text-align: right;"><b>4-бет</b></p>
	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР</b> – Корхона айланма маблағларини қандай тўлдирishi мумкин</li> </ul> <p style="text-align: right;"><b>5-6-бетлар</b></p>
	<p><b>Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»;</li> <li>– «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».</li> </ul> <p><b>Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– «Худудларда кўп қаватли бинолар қуриш ишларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».</li> </ul> <p><b>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори</b></p>
	<ul style="list-style-type: none"> <li>– «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»</li> </ul> <p style="text-align: right;"><b>7-12-бетлар</b></p>
	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>БУХГАЛТЕРГА ЁРДМ</b> – 2020 йилнинг апрель ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқ ва бошқа мажбурий бадаллар ҳисоб-китоби услубияти</li> </ul> <p style="text-align: right;"><b>13-14-бетлар</b></p>
	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>ЖАВОБ БЕРАМИЗ</b> – Такси харажатларини солиқ базасидан чегириш мумкин</li> </ul> <p style="text-align: right;"><b>15-бет</b></p>
	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>ТАДҚИҚОТ</b> – Инвесторлар портали – инвестиция фаоллигини ошириш дастаги</li> </ul> <p style="text-align: right;"><b>15-бет</b></p>

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқи ҳолларда респондентнинг хоҳишига қўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davry nashri» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

## ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ: МУРАККАБ ДАВРДА ҲАМ ФАОЛИЯТ ТЎХТАМАЙДИ

1-бетда

бормоқда. Муҳими, корхона маҳсулотлари маҳаллий пахта толасидан тайёрланган экологик тоза матодан тикилмоқда. Корхонада юқори сифат ва халқаро талаблар асосида тайёрланаётган маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қилинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида корхона 700 минг долларлик маҳсулот экспортини амалга оширди.

– Бу йил корхонамизда уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқариш ҳам бошланди. – дейди **корхона цех бошлиғи Фаррух Усмонов**. – Ҳозирда маҳсулотларимизни Россия, Беларусь, Чехия, Туркия, АҚШ, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларига экспорт қилаёмиз. Жорий йилнинг учинчи чорагида янги лойиҳани амалга ошириб, яна 120 нафар хотин-қизни ишга жалб қилиш ниятидамиз. Йил якунигача корхонамизда матолик гул қоғоз ишлаб чиқариб, 2021 йилдан бу маҳсулотни ҳам экспорт қилишни режалаштиряёмиз.

Корхонада янги лойиҳаларни амалга ошириш учун Японияда ишлаб чиқарилган 100 та тикув машинаси келтириб ўрнатилди. Ўндан ортик тикиш амалиётини бажарадиган бундай замонавий дастгоҳларни кейинги ойдан ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Вилоятимиздаги йирик текстиль корхоналаридан яна бири – Булунғур туманидаги «Мароқанд сифат» масъулияти чекланган жа-

миятидир. Корхона йилига 2 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш имкониятига эга. Нарпай туманидаги 13 минг гектар майдонда пахта етиштираётган мазкур корхона тўла кластер тизимида ишламоқда. Бу ерда тайёрланган маҳсулотлар Россия, Қозоғистон, Туркия давлатларига сотилмоқда. Ҳозирги пандемия шароитида корхонанинг 700 дан ортик ишчиси карантин талабларига қатъий риоя этган ҳолда ишни давом эттирмоқда.

– Корхонамиз асосан маҳаллий пахта толасидан ип-калава ишлаб чиқариш билан шуғулланади, – дейди «Мароқанд сифат» масъулияти чекланган жамияти раҳбари **Жаҳонгир Исмаилов**. 2019 йилда корхонамизга имтиёзли кредит ажратилиб, хориждан замонавий ускуналар келтирилди. Умумий қиймати 4 миллион доллар бўлган қўшимча қувват ишга туширилиши билан яна 350 кишининг бандлиги таъминланди ва корхонада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар 700 нафарга етди.

Вилоятимизда ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти аста-секин қайта тикланмоқда. Демакки, иқтисодиёт изига тушмоқда. Тез орада барча корхоналар аввалги қувватда ишлашига ва экспорт салоҳиятини янада оширишга эришилади.

*Самарқанд вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати.*

## СИРДАРЁ САНОАТИ: ИМТИЁЗЛАР ҚУЛАЙЛИК ЯРАТМОҚДА

Сирдарё вилоятида 11 мингдан ортик юридик шахс мақомидаги тadbirkorлик субъектлари фаолият юритиб келаётган бўлиб, уларнинг орасида «SARBONTEKS» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонанинг фаолияти алоҳида ўрин тутди.

Карантин қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда **198 нафар** ишчи меҳнат қилаётган мазкур корхонада бир кунда ўртача **40 минг дона бинт, 14 400 дона ёки 800 кг тиббиёт пахтаси, 32 000 дона бошқа турдаги маҳсулотлар** ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ўтган йилда **883,3 минг, 2020 йилнинг шу бугунги кунигача 361,1 минг, жами 1 млн 244 минг АҚШ доллари** миқдорда Қозоғистон, Озарбайжон ва Грузия каби давлатларга экспорт қилинди.

Корхонанинг истиқболли лойиҳаларни амалга ошириши натижасида ишлаб чиқариш суръатлари ривожланган ҳолда давлат бюджетига 2019 йилда **335,9 млн сўм** солиқлар тўланган бўлса, 2020 йилнинг I чорагида қарийб **174,0 млн сўм** тўловлар амалга оширилди.

Албатта карантин даврида корхона фаолиятида ишчи ходимларни ташиш, тайёр маҳсулотларни харидорларнинг ўз транспортида олиб кетишда баъзи муаммолар мавжуд эди, лекин Президентимиз фармонлари ҳамда карантин бўйича чекловларни босқичма-босқич юмшатиш бўйича кўрсатган ташаббуслари ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини янада жонлантирди.

*Сирдарё вилояти божхона ва солиқ бошқармалари Ахборот хизматлари.*



ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Бугунги коронавирус пандемияси билан боғлиқ мураккаб вазиятларда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳамда аҳоли фаровонлигига ҳисса қўшиш ўрнига, тadbirkorликнинг яширин ва сохта йўлини танлаган кимсалар борки, улар бу ҳаракати билан нафақат иқтисодиётдаги ҳалол рақобат муҳитини издан чиқариш, балки сифатсиз маҳсулотлар билан юртдошларимиз саломатлигини ҳам хавфга қўйишмоқда.

## СИФАТИ КАФОЛАТЛАНМАГАН БОЛАЛАР ОЗУҚАЛАРИ

Яқинда Фарғона вилояти божхоначилари томонидан чегара ҳудудларда ўтказилган тезкор тadbirkor давомида шубҳали ҳаракатланган «Кобальт» русумли автомашина кузатувга олинди.

Мазкур автотransпорт воситаси Марғилон шаҳридаги чойхоналардан бирининг олдида тўхтаб турган «Дамас» ва «Кобальт» автомашиналари ёнига келиб тўхтаган вақтида вилоят божхона бошқармасининг Контрабанда ва божхона қонунбузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан белгиланган тартибда ва ҳолислар иштирокида кўздан кечирилди.

Тезкор тadbirkor давомида учала автотransпорт воситаларининг салони ва бағажда божхона назоратини четлаб, айланма йўллар орқали олиб кирилган, қиймати 106,4 млн сўмлик 3 турдаги болалар озуқалари борлиги фош этилди.


Ҳўш, божхона қонунчилигига риоя қилишни истамаган ҳуқуқбузарлар ушбу маҳсулотларнинг сифат жиҳатидан болалар саломатлиги учун хавфсиз, истеъмолга яроқли эканлигига кафолат бера оладими?

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

*ДБК Ахборот хизмати.*

Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг Контрабанда ва божхона қонун бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан «Сергели» ташки иқтисодий фаолият божхона постида хориждан пойтахтимизда фаолият кўрсатувчи корхоналардан бири номига келган умумий қиймати 3 млрд сўмлик 58,5 тонна оғирликдаги «Ошхона клеёнкаси» товарининг ТИФ ТН коди белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилди.

## ТЎЛОВЛАРДАН ҚОЧИШГА УРИНИШ НАФ БЕРМАДИ



Натижада, товарнинг ҳужжатларда кўрсатилган ТИФ ТН коди нотўғри таснифлангани маълум бўлиб, давлат бюджетига қўшимча 600 млн сўм божхона тўловлари ҳисобланди.

Шунингдек, «Сергели» ташки иқтисодий фаолият божхона пости ходимларига декларацияловчи шахслар Р.Ш. ва Қ.А. томонидан тақдим этилган божхона юк декларацияларида «қурилиш моллари» товарларининг ташки иқтисодий фаолият товар номенклатураси коди текширилганида, ушбу шахслар товар коддини нотўғри таснифлаб божхона расмийлаштирувига тақдим этганлиги аниқланди.

Натижада давлат бюджетига қўшимча 105,5 млн сўм божхона тўловлари ундирилди.

Шунга ўхшаш ҳолатларда, «Арк булок» ташки иқтисодий фаолият божхона пости ходимларига декларацияловчи шахс Х.Д., О.Н., Д.И., З.О. ва С.Б.лар тақдим этган божхона юк декларацияларида товарларнинг коддини нотўғри таснифлаганлиги маълум бўлиб, давлат бюджетига қўшимча 166,2 млн сўм божхона тўловлари ундирилди.

Яна бир ҳолатда, «Тошкент товар» ташки иқтисодий фаолият божхона пости ходимларига декларацияловчи шахс Ш.М. тақдим этган божхона юк декларациясида товарнинг коддини нотўғри таснифлаганлиги маълум бўлди. Натижада давлат бюджетига қўшимча 15,5 млн сўм божхона тўловлари ундирилди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари давом эттирилмоқда.

*Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати.*

## ЖИСМОНИЙ ШАХСГА КЎМАК: ҲИСОБОТДА АКС ЭТТИРИШ

**?** Карантин даврида ҳокимият томонидан берилган кўмакка муҳтож жисмоний шахслар рўйхатида киритилган жисмоний шахсга корхона томонидан ёрдам кўрсатилган. Президентнинг 27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон Фармони билан бундан ёрдам кўрсатилганда тақдим этиладиган солиқ имтиёзлари белгиланган. Бироқ рўйхатда жисмоний шахснинг фақат Ф.И.О. ва манзили кўрсатилган. Жисмоний шахснинг паспорт маълумотлари ва СТИРИ ҳокимият томонидан тақдим этилмаган. Мазкур ҳолатда ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳамда айланмадан олинadиган солиқ ҳисоб-китоби қандай топширилади?

### ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китоби

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондидан, «Саховат ва кўмак» фондидан, «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондидан, юридик ва жисмоний шахслардан олинadиган беғараз ёрдам (пул маблағлари, товарлар ва хизматлар) га, агар ёрдам олувчи шахслар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантирилadиган ижтимоий кўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатида киритилган бўлса, жисмоний шахсларнинг даромади сифа-

тида қаралмайди (27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон Фармоннинг 1-банди «б» кичик банди). Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китоби (4-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) жисмоний шахслар даромадлари бўйича (010-сатр) тақдим этилади. **Жисмоний шахсларга берилadиган пул маблағлари ёки ТМЗ уларнинг даромади сифатида қаралмайdиган бўлса, Ҳисоб-китобда акс эттирилмайди.**

### Айланмадан олинadиган солиқ ҳисоб-китоби

Жисмоний шахсларга ТМЗ (хизматлар) бепул берилганда уларнинг таннари ёки уларни олиш баҳосига (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда) айланмадан олинadиган солиқ солинади (СК 463-м. 2-қ.).

Бироқ ПФ-5986-сон Фармон билан имтиёз белгиланган. Ижтимоий кўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатида киритилган жисмоний шахсларга беғараз

берилadиган товарлар (хизматлар) айланмадан олинadиган солиқ бўйича солиқ солиш объектига киритилмайди (ПФ-5986-сон Фармоннинг 1-банди «а» кичик банди). Бинобарин, **Айланмадан олинadиган солиқ ҳисоб-китобда (9-илова, рўйхат рақами 3221) акс эттирилмайди.**

Жисмоний шахсларга пул маблағлари беғараз берилганда айланмадан олинadиган солиқ бўйича солиқ оқибатлари юзага келмайди.

## ҚҚС: ТИКЛАНИШИ УЧУН 12 ОЙ КЕРАК

**?** Корхона умумбелгиланган солиқларни тўлайди. 2020 йил апрель ойида «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондига товар берилган. Ушбу товар 2018 йилда импорт қилинган ва у бўйича ҚҚС ҳисобга олинган. ТМЗ беғараз берилиши ҚҚСдан озод этилганлиги сабабли, тегишинча, импорт қилиш чоғида тўланган ҚҚС ҳисобга олинмайди. Ушбу товарлар солиқ солинмайdиган айланма учун фойдаланилганда, илгари ҳисобга қабул қилинган, олинган товарлар бўйича ҚҚС суммасини нимага киритиш лозим?

– Товарлардан (хизматлардан) келгусида солиқ солишдан озод этилган айланма учун фойдаланилганда, илгари уларни олиш чоғида ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҚҚС суммасига тузатиш киритилиши лозим (СК 269-м. 1-қ. 1-б.).

Тузатиш киритилиши лозим бўлган солиқ суммаси бундай тузатишларни амалга оширишдан олдинги охириги 12 ой ичида олинган товарларнинг (хизматларнинг) солиқ суммаси қайта тикланиши лозим бўлган товар-моддий захиралар қолдиқларига тўғри келadиган қиймати асосида

аниқланади. Илгари бундай товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҚҚС суммалари тикланади (СК 269-м. 3, 5-қ.).

Бинобарин, ТМЗ олинган пайтдан 12 ойдан ортқ вақт ўтгандан кейин солиқ солинмайdиган айланма учун фойдаланилганда, улар бўйича ҳисобга олинган ҚҚС суммасига тузатиш киритилмайди.

**Сиз 2020 йил апрелда солиқ солинмайdиган айланма учун фойдаланилаётган товарни харид қилишда, 2018 йилда ҳисобга қабул қилинган ҚҚСга тузатиш киритмайсиз.**



## ДИРЕКТОР ҚОРХОНАГА ХОМ АШЁНИ БЕҒАРАЗ БЕРГАНДА

**?** Умумбелгиланган солиқларни тўлайdиган бизнинг МЧЖ ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб ҳисобланади. Қурилиш молларини ишлаб чиқаришида зарур бўлган хом ашёлардан бири бўлиб алюмин фольга ҳисобланади. Корхона директорида мазкур хом ашё мавжуд. Директор МЧЖ таъсисчиси эмас.

1. Директор ўзи ишлаб турган корхонага хом ашёни беғараз беришга ҳақлими?
2. Директор томонидан хом ашёнинг беғараз берилишига ҚҚС солинади?
3. Хом ашё қайси қиймат бўйича топширилади?
4. Бунда корхона учун қандай солиқ оқибатлари юзага келади?
5. Қандай бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади ва қандай ҳужжатлар расмийлаштирилади?

**1** Ҳар қандай жисмоний шахс, шу жумладан корхона раҳбари ҳам корхонага хом ашёни беғараз бериши мумкин.

**2** Якка тартибдаги тадбиркорларни истисно этганда, жисмоний шахслар ҚҚС тўловчилари бўлиб ҳисобланмайди (СК 237-м.). Корхона директори томонидан хом ашёнинг беғараз берилишига ҚҚС солинмайди.

**3** Хом ашё беғараз берилган. Корхона уни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санасидаги жорий (бозор) қиймати бўйича қирим қилиши лозим (4-сон БҲМС, 19-б., АВ рўйхат рақами 1595, 17.07.2006 й.).

**4** Корхона томонидан беғараз олинган хом ашё унинг даромади бўлиб ҳисобланади. Даромад хом ашёнинг бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Мазкур даромад фойда солиғини ҳисоблашда жами даромад таркибига киритилади (СК 297-м. 3-қ., 299-м. 1, 2-қ.).

**5** Корхонага хом ашё беғараз келиб тушганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

1010-«Хом ашё ва материаллар» счёти дебети

8530-«Текинга олинган мулк» счёти кредити

Корхона директори томонидан хом ашё беғараз берилиши қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

### РЕКЛАМА



**«КИЧИК ҚОРХОНА  
ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Талимаржон кўч., 1/1.  
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@orma.uz,  
web: www.orma.uz

# ИЖАРА ТЎЛОВИ БЕКОР ҚИЛИНГАН ЁКИ КАМАЙТИРИЛГАНДА ҚҚС БЎЙИЧА СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

Карантин даврида қўл ижарага олинган майдонлардан ноилож фойдаланилмаяпти ёки қисман фойдаланилмоқда. Шу муносабат билан баъзи ижарага берувчилар ён бериб, ижарага олувчилар билан ижара тўловини тўхтатиб туриш ёки унинг миқдорини камайтириш тўғрисида келишиб олишмоқда. Бу қандай солиқ оқибатларига олиб келиши мумкинлиги хусусида «Norma» компанияси эксперти Ирина АХМЕТОВА гапириб берди:

Юзага келган шароитларда тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлганлар томонидан давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловларини ҳисоблаш ва ундиришни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинди (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармон, 15-б., 9-хатбоши). Бошқа ижара мажбуриятлари бўйича (давлат мулкига тегишли бўлмаган) ижара шартларини ўзгаришининг қуйидаги вариантлари мавжуд:

- ижара тўловини бўлиб-бўлиб тўлаш ёки кечиктириш;
- ижара тўловини вақтинча камайтириш;

• кейинчалик қарздорлик тўлиқ сўндирилмагунча уни муайян даврга ошириш билан – карантин вақтида ижара тўловидан бутунлай ёки қисман озод қилиш кўринишида «ижара таътили»;

• муайян муддатга ёки карантин даврида ижара тўловини тўхтатиб туриш.

Ижарага олувчи билан ўз келишувингизни ижара шартномасига қўшимча келишув билан – шартнома шартларини ўзгариштириш сабабларини кўрсатган ҳолда расмийлаштиринг.

## Ижарага берувчида ҚҚС: ижара тўловини камайтириш

Солиқ кодексига ҚҚС бўйича солиқ базаси битим тарафлари қўллаган нархдан келиб чиқиб аниқланиши назарда тутилган. Бунда солиқ органлари, агар битимнинг нархи товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан паст ёки юқори бўлса, солиқ базасига тузатиш киритишга ҳақли.

Солиқ тўловчи бундай қарор юзасидан битимнинг нархи бозор нархларига мувофиқлигини ва солиқ тўлашдан бўйин товлашга қаратилмаганлигининг асосларини тақдим этиш йўли билан низолашишга ҳақли (СК 248-м., 4-қ.).

Ижарага олувчи билан келгусида ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш истаги ижарага берувчи учун иқтисодий фаолиятнинг жорий шароитларида ижара тўловини камайтириш учун далил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ахир карантин даврида кўпроқ ёки ҳеч бўлмаганда шунча тўлайдиган мижоз топиш эҳтимоли катта эмас. Асосийси – ҳаммасини ҳужжат билан расмийлаштиринг. Масалан, ижарага олувчининг ижара тўловини камайтириш тўғрисидаги талабнома-хати, ижарага берувчининг нарх сиёсати, иқтисодий ҳисоб-китоблар, ижара тўловини камайтириш тўғрисидаги буйруқлар ва бошқалар асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.



## Ижарага берувчида ҚҚС: ижара тўловини ҳисоблашни тўхтатиб туриш

Ижара тўловини ҳисоблашни тўхтатиб турган ижарага берувчида ҚҚС бўйича солиқ оқибатлари ижарага олувчи ҳақиқатда бинодан фойдаланаётганлиги ёки фойдаланмаётганлигига боғлиқ.

Агар у ижарага олинган бинодан тўлиқ ёки қисман фойдаланишда давом этаётган бўлса, бироқ бунда ижарага берувчи билан келишган ҳолда ижара учун ҳақ тўламаётган бўлса, ижарага берувчи учун бу бепул хизмат кўрсатиш сифатида ҳисобланиши мумкин.

Бепул хизматлар кўрсатиш, жумладан мол-мулкдан бепул фойдаланиш реализация қилиш бўйича ҚҚС солинадиган айланма ҳисобланади (СК 239-м., 2-қ.). Шундай бериш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган ҳоллар мустасно ҳисобланади.

Бепул хизматлар кўрсатиш қуйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда бирига риоя этилганда иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди деб эътироф этилади:

• даромад олишга қаратилган фаолиятини амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқарилган бўлса;

• шундай тadbиркорлик фаолиятини сақлаш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ва харажатларнинг тadbиркорлик фаолияти билан боғлиқлиги асосланган бўлса;

• бепул хизматлар кўрсатиш қонун ҳужжатларининг қондаларидан келиб чиқса.

Шу тариқа, бепул ижара бўйича ҚҚС тўлашни олдини олиш учун ижарага берувчи солиқчилар олдида «ўзини оқлаши», яъни – юқорида санаб ўтилган учта шартдан бири мавжудлигини исботлаши лозим бўлади. Ақс ҳолда ҚҚСни ижаранинг бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда тўлашга тўғри келади (СК 248-м., 3-қ.).

Ижарага берувчи ва ижарага олувчи ижара тўловларини ҳисобламаслик ва тўламасликлари ҳақида келишувга эришган бўлса, бунда ижарага олувчи карантин даврида ўз фаолиятини тўхтатган ва ҳақиқатда бинодан фойдаланмаётган бўлса, солиқ оқибатлари юзага келмайди (МВНинг 16.04.2020 йилдаги 06/04-01-03-32/1107-сон хати, 12-б.)



## КОРХОНА АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИНИ ҚАНДАЙ ТЎЛДИРИШ МУМКИН\*

Хўжалик фаолияти қисқараётган ҳозирги шароитларда харажатларини молиялаштириш учун маблағ етишмаслиги оқибатида қўллаб қорхоналар қийин аҳволда қолмоқда. Бундай мураккаб вазиятларда ҳамкор ташкилотларнинг ёрдамидан фойдаланиш мумкин. Бепул ёрдам қорхоналар учун айланма маблағларини тўлдириш вариантларидан бири бўлиши мумкин.

### БЕПУЛ ЁРДАМ

Шерикларингиз сизга пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни (асосий воситалар, материаллар, товарлар) бериши, шунингдек бепул хизматлар кўрсатишлари мумкин.

Бепул ёрдам олиш учун ҳада шартномаси тузилиши зарур, унда қуйидагилар кўрсатилади:

- мол-мулк (хизматлар) берилишининг бепуллиги;
- берилаётган пуллар суммаси, мол-мулк (хизматлар) рўйхати ва қиймати;
- бошқа муҳим шартлар.

### Бегаз олинган пул маблағлари қандай ҳисобга олинади

Пул маблағларини бегаз олиш чоғида даромад тан олинади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари бажарилади:

• 5110-«Ҳисоб-китоб счёти», 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари» ва бошқа счётлар дебети;

- 9380-«Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам» счёти кредити (Йўриқнома, 400-б., 21-сон БҲМСга 2-илова, АВ рўйхат рақами 1181, 23.10.2002 й.).

### Бепул олинган асосий воситалар қандай ҳисобга олинади

Бепул олинган АВнинг бошланғич қиймати сифатида уларнинг ҳисобга қабул қилинган санадаги жорий қиймати – олиш билан боғлиқ харажатларни инобатга олган ҳолда тан олинади (5-сон БҲМС, 15-б., АВ рўйхат рақами 1299, 20.01.2004 й.).

Жорий қиймат – бу ҳисобга қабул қилиш санасидаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича АВнинг қиймати (5-сон БҲМС, 3-б., «е» кичик б.).

Қуйидагилар АВни бепул олиш билан боғлиқ харажатлар бўлиши мумкин:

- божхона божлари ва йиғимлари;
- АВни сотиб олиш муносабати билан солиқлар суммалари, агар улар қопланмаса;
- ётказиб бериш қиймати;

- монтаж қилиш ва сошлаш қиймати;
- давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича харажатлар;
- бошқа харажатлар (5-сон БҲМС, 11-б.).

Усқунани монтаж қилиш харажатларини монтаж қилиш ким томонидан – ўз ходимларингиз ёки ташқи ташкилотлар амалга оширишидан қатъи назар, АВнинг бошланғич қийматига киритинг.

Қуйидагиларни бошланғич қийматга киритманг:

- банк хизматлари, ўтказмалар учун банкка воситачилик ҳақи тўлаш;
- шартномани тайёрлаш ва рўйхатга олиш харажатлари (5-сон БҲМС, 11-б.).

\*Охири. Боши «СБХ»нинг 12.05.2020 йилдаги 20 (1344)-сонида.



Агар кўчмас мулк ёки автотранспорт воситаси бепул олинган бўлса, олувчига уларга бўлган мулк ҳуқуқи фақат битим давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўтади.

Бепул олинган АВ қиймати:

- бухгалтерия ҳисобида 8530-«Текинга олинган мулк» счётида ҳисобга олинади;
- 2-сон шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да даромад сифатида акс эттирилмайди (2-сон илова, АВ рўйхат рақами 1209, 24.01.2003 й.).

#### МИСОЛ. Бухгалтерия ҳисобида бепул олинган АВни акс эттириш

ҚҚС тўловчи бўлмаган корхона ҳада шартномасига асосан қиймати ҳада қилувчининг ҳисобварақ-фактурасида 35 млн сўм миқдорда кўрсатилган тиббийёт ускунасини олди. Ушбу қиймат ҳада қилиш санасидаги амал қилаётган бозор нархларига тўғри келади. Ўтказиб бериш ва монтаж қилиш учун олувчи ташқи ташкилотга 5 млн сўм тўлади. Ускуна АВни тан олиш мезонларига тўғри келади. Олинган тиббийёт ускунаси 40 млн сўм (35 + 5) миқдордаги бошланғич қий-мат бўйича ҳисоба олинади.

Бухгалтерия ҳисоби

№	Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Суммаси, млн сўм	Дебет	Кредит
1	Ускуна бепул олинди	35	0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»	8530 «Текинга олинган мулк»
2	Ускунани ўтказиб бериш ва монтаж қилиш харажатлари акс эттирилди	5	0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»	6010 «Мол ўтказиб бериувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
3	Ускуна фойдаланишга топширилди	40	0130 «Машина ва асбоб-ускуналар»	0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»

#### Бепул олинган ТМЗ қандай ҳисобга олинади

Бепул олинган материаллар ёки товарлар товар-моддий захираларга (ТМЗ) киритилади.

ТМЗ уларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санасидаги жорий қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланадиган таннархи бўйича ҳисобга олинади (4-сон БҲМС, 19-б., АВ рўйхат рақами 1595, 17.07.2006 й.).

ТМЗни олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳам уларнинг таннархига киритилади. Бундай харажатларга қуйидагилар киритилади (4-сон БҲМС, 13, 24-б.б.):

- божхона божлари ва йиғимлари;
- ТМЗни олиш билан боғлиқ бўлган солиқлар суммалари, агар улар қолланмаса;
- сертификатлаш ва синаш бўйича харажатлар;
- транспорт-тайёрлов ва бошқа харажатлар.

Бепул олинган ТМЗ қиймати:

• бухгалтерия ҳисобида 8530-«Текинга олинган мулк» счётида ҳисобга олинади;

• 2-сон шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да даромад сифатида акс эттирилмайди.



#### МИСОЛ. Бепул олинган ТМЗни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш

ҚҚС тўловчи корхона ҳада шартномасига асосан қиймати ҳада қилувчининг ҳисобварақ-фактурасида 23 млн сўм, шу жумладан ҚҚС – 3 млн сўм миқдорда кўрсатилган хом ашёни олди. Ушбу қиймат ҳада қилиш санасидаги амал қилаётган бозор нархларига тўғри келади.

Хом ашёни ўтказиб бериш учун олувчи ташқи ташкилотга 3,45 млн сўм, шу жумладан 0,45 млн сўм ҚҚС тўлади. Бепул олинган мол-мулк бўйича ҚҚС ҳисобга олинмайди (СК 267-м., 1-қ., 6-б.), ўтказиб бериш хизматлари бўйича тўланган ҚҚС эса барча ҳисобга олиш шартларига риоя қилинган тақдирда ҳисобга олиниши мумкин (СК 266-268-м.м.).

Олинган хом ашё 26 млн сўм (23 + 3,45 – 0,45) миқдордаги таннарх бўйича ҳисобга олинади.

Бухгалтерия ҳисоби:

№	Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Суммаси, млн сўм	Дебет	Кредит
1	Хом ашё бепул олинди	23	1010 «Хом ашё ва материаллар»	8530 «Текинга олинган мулк»
2	Хом ашёни ўтказиб бериш харажатлари акс эттирилди	3	1010 «Хом ашё ва материаллар»	6010 «Мол ўтказиб бериувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
3	Хом ашёни ўтказиб бериш бўйича ҚҚС суммаси акс эттирилди	0,45	4410 «Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бундақ тўловлари (турлари бўйича)»	6010 «Мол ўтказиб бериувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»

## Бепул олинган хизматлар қандай ҳисобга олинади

Шерикларингиз сиз учун ҳар қандай бепул хизматлар кўрсатишлари ва ишларни бажаришлари мумкин, башарти улар қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бўлса, мисол учун таъмирлаш хизматлари, қурилиш-монтаж ишлари ва бошқалар.

Бошқа шахсларнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган маҳсулотларни (моддий ёки номоддий) ишлаб чиқаришга доир тадбиркорлик фаолиятининг турлари, шунингдек бошқа шахслар учун бажариладиган ишлар солиқ солиш мақсадида хизматлар деб эътироф этилади (СК 45-м., 8-қ.).

Фикримизча, бепул олинган хизматлар қиймати олувчида бухгалтерия ҳисобида ҳам, 2-сон шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да даромад сифатида ҳам акс эттирилмайди, бироқ уларни бепул олиш солиқ оқибатларига сабаб бўлади. Бироқ, агар хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) натижасида моддий объект – асосий восита ёки бошқа мол-мулк ҳосил бўлса, уни жорий қиймати бўйича қирим қилиш зарур.



## Бепул олинган ёрдамнинг солиқ оқибатлари

### Қўшилган қиймат солиғи

Бепул олинган мол-мулк (хизматлар) бўйича ҚҚС суммаси ҳисобга олинмайди, бундан олувчи олиш бўйича солиқ тўлаган ҳоллар мустасно (СК 267-м., 1-қ., 6-б.).

Масалан, агар сиз импорт бўйича бепул мол-мулк олган ва божхона тўловлари таркибида ҚҚС тўлаган бўлсангиз, тўланган солиқ суммасини барча ҳисобга олиш шартларига риоя қилган тақдирда ҳисобга олишингиз мумкин (СК 266-268-м.м.).

### Фойда солиғи

Бепул олинган мол-мулк (хизматлар) қиймати бозор қиймати бўйича жами даромадга киритилади (СК 297-м., 3-қ., 10-б., 299-м.).

Бозор қийматини ҳужжат билан тасдиқланг. Қуйдагилар тасдиқнома бўлиши мумкин:

- юклаб жўнатишга, етказиб беришга ёки топширишга доир ҳужжатлар;
- маҳсулот етказиб берувчиларнинг нархга доир маълумотлари (прайс-варақлар);
- оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар;
- биржа хабарлари;
- давлат статистика органларининг маълумотлари.

Президентнинг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида, шунингдек Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларига мувофиқ бепул олинган мол-мулк ва хизматлар даромад сифатида ҳисобга олинмайди (СК 304-м., 8-б.).

### Айланмадан олинадиган солиқ

Бепул олинган мол-мулк (хизматлар)нинг бозор қиймати жами даромад таркибида солиқ базасига киритинг (СК 463-м., 1-қ.).

Президентнинг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида, шунингдек Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларига мувофиқ бепул олинган мол-мулк ва хизматлар даромад сифатида ҳисобга олинмайди (СК 304-м., 8-б.).

### Мол-мулк солиғи ва ер солиғи

Мол-мулк солиғи кўчмас мулк – давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотлар, қурилиши тугалланмаган объектлар ва бошқалар бепул олинганда тўланади (СК 411-м.).

Агар сизнинг корхонангиз мол-мулк соғлиғи тўловчиси бўлса, йил давомида кўчмас мулк бепул олинган тақдирда солиқ органларига мол-мулк солиғи суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотномани тақдим этинг (СК 417-м., 7-қ.). Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун бўнақ тўловларига солиқнинг ўзгарган суммасига тенг улушларда тузатишлар киритинг.

Бинога, иншоотга ёки бошқа кўчмас мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқ ўтган тақдирда, ушбу объектлар билан биргаликда мазкур объектлар жойлашган ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади (Ер кодекси, 22-м.).

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида ўтган ер участкалари бўйича ер солиғини тегишли ҳуқуқ вужудга келганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқаринг (СК 427-м., 2-қ.).

Солиқ базасида йил давомида ўзгариш бўлганда бир ойлик муддат ичида солиқ органига аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этинг. Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг умумий майдонида ва таркибида ўзгаришлар юз берганда қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини жорий йилнинг 1 декабрига қадар тақдим этинг (СК 431-м., 3, 4-қ.қ.).



Ўз фаолиятини тўхтатган ва (ёки) товарлар (хизматлар) реализациясидан тушуми 2020 йилнинг I чорагидаги ўртача ойлик миқдориغا нисбатан 50%дан кўпроққа камайган микрофирма, кичик корхона ва яқка тартибдаги тадбиркорларга айланмадан олинадиган солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғини фойсиз кечитириш (булиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилган (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармон, 6-б.).

Олеж ЦОЙ, «Норма» МЧЖ эксперти.



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ХУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 92-модда):

- а) 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- б) 2-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси божхона юк декларациялари асосида маълумотларнинг электрон базасини шакллантиради ҳамда товарларнинг келиб тушиши ёки юклаб жўнатилиши тўғрисидаги ахборотларнинг Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига ўз вақтида ва тўғри киритилиши учун жавоб беради».

- в) 4-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «4. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУҚда экспертизадан ўтказиладиган ва рўйхатга олинмаган импорт контрактлари бўйича маълумотларни ҳужжат юритувчи субъектлар томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритиш ушбу Марказнинг тегишли хулосаси мавжуд бўлган тахдирда амалга оширилади»;

- г) 5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- д) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- е) 2-илованинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 21 июлдаги 199-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 7-сон, 74-модда):

- а) 2-бандда:  
иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;  
учинчи—бешинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи—тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 3'-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошиларидидаги «уч» сўзи «беш» сўзи билан алмаштирилсин;

- в) иловада:  
1-банднинг «б» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

5-банднинг «б» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 июлдаги 197-сон қарори билан тасдиқланган «Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар» рўйхатининг 1-бўлими 2-бандидаги «уч минг АҚШ долларига» сўзлари «битта инвойси бўйича беш минг АҚШ долларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартибини янада тақомиллаштириш тўғрисида» 2018 йил 31 июлдаги 605-сон қарор билан тасдиқланган Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисидаги Низомда:

- а) 4-банднинг тўққизинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Электрон декларация автоматлашган тартибда божхона органларининг ахборот тизими орқали расмийлаштирилади ёки товарларнинг божхона расмийлаштирувчи амалга оширувчи божхона органи ходимлари ўртасида тақсимланади. Бунда ҳужжатларда мавжуд маълумотларнинг ишончлилигига декларацияловчи шахс жавобгардир»;

- б) 5-банднинг олтинчи хатбошидаги «қўлшани мумкин» сўзлари «қўллайди» сўзи билан алмаштирилсин;

- в) 6-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«6. БЮДни тўлдириш ҳамда электрон декларацияларни ав-

томатик ҳолда рўйхатга олиш ва расмийлаштириш, шунингдек, тақсимлаш тизими ишлаши тартиби ДБҚ томонидан белгиланади»;

- г) 14-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Божхона органлари ходимлари электрон декларацияларнинг ўз вақтида расмийлаштирилиши учун шахсан жавоб берадирлар, божхона органларининг ахборот тизими томонидан расмийлаштирилган электрон декларациялар бундан мустасно»;

- д) 1-иловада:

3-босқич блокнинг «Тадбирлар» устуни 3-қисми қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Дастлабки теқширув натижасида камчиликлар аниқланмаса, ЯААТ БЮДни расмийлаштириш учун қабул қилиб, автоматлашган тартибда расмийлаштирилади ёки расмийлаштириш учун божхона ходимларига тақсимлайди»;

- е) 2-иловада:

1-позициянинг «Ваколатли орган номи» устунидаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги «Лойиҳа ва импорт контрактларини комплекс экспертизадан ўтказиш маркази» ДУК» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-позициянинг «Ваколатли орган номи» устунидаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

- 7-позиция қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«		7. Фуқаровий ва хизмат куралини ҳамда унинг ўқ-дориларини олиб кириш ёки олиб чиқиш, транзит қилиш, сотиб олиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, сотиш, қурул ва унинг ўқ-дориларини коллекциялаш ҳамда кўргазмага қўйиш учун рухсатнома.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги»;
---	--	--	--

9 ва 10-позициянинг «Ваколатли орган номи» устунидаги «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин; қуйидаги мазмундаги 17'-позицияси қўшилсин:

«		17'. Экологик сертификат.	Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси».
---	--	---------------------------	--

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Интеграциялашган тариф» интерактив хизматини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 16 октябрдаги 829-сон қарорига 2-иловада:

- а) 3-позициянинг «Ваколатли органнинг номи» устунидаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;
- б) 5-позиция қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«		5. Фуқаровий ва хизмат куралини ҳамда унинг ўқ-дориларини олиб кириш ёки олиб чиқиш, транзит қилиш, сотиб олиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, сотиш, қурул ва унинг ўқ-дориларини коллекциялаш ҳамда кўргазмага қўйиш учун рухсатнома.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги».
---	--	--	--

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ:

– «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»;

– «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– «Худудларда кўп қаватли бинолар қуриш ишларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА\*

Коронавирус пандемияси даврида иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаоллигини рағбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш, аҳоли бандлигини ошириш, даромадларини кўпайтириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Кўйидагилар 2020 йилнинг 1 июнидан 1 сентябргача бўлган даврда мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилинсин:

кичик тадбиркорлик субъектлари;

бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташвиш, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан, банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар.

2. Кичик тадбиркорлик субъектларига қўйидаги суммаларни ҳисобдан чиқариш бўлинишида давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш тақдим этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон ва 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон фармонларига асосан фозисиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган, 2020 йил апрель ва май ойлари учун тўланиши лозим бўлган мол-мулк солиғи ва ер солиғи суммалари;

2020 йил 15 май ҳолатига ер солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган пеня ва жарималар суммалари.

3. Тадбиркорлик субъектларига товарлар (ишлаб, хизматлар) импорт қилишда қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича 120 кун мuddатча кечиктириш олиш ҳуқуқи берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Божхона органларига мурожаат қилган кунгача бир йилдан кам бўлмаган даврда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган микрофирма ва кичик корхоналарга товарларни (истеъмол товарларидан ташқари) олиб киришда ундириладиган божхона божи ва акциз солиғини тўлаш мuddатини 2020 йил 1 июлгача кечиктириш қўллаш ҳуқуқи, кейинчалик кечиктирилган суммани 120 кун мобайнида тенг улушларда тўлаш шarti билан берилсин.

4. Белгилансинки, 2020 йилнинг 1 майдан 1 июлгача бўлган даврда микрофирма ва кичик корхоналарга (акцизсиз товарлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устав жамгармасида

(устав капиталда) давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахслар бундан мустасно) **ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизгача камайтирилади.**

5. Микрофирма ва кичик корхоналарда 2020 йил 15 май ҳолатига солиқлар, пенялар ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича мавжуд бўлган қарздорликни ундириш 2020 йил 1 сентябргача тўхтатилсин.

Давлат солиқ хизмати органлари 2020 йил 15 май ҳолатига микрофирма ва кичик корхоналарнинг банддаги ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва ўтказиш бўйича инкассо топшириқномаларини қақриб олсин.

Микрофирма ва кичик корхоналарга 2020 йил 15 май ҳолатига солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ижро этилмаган тўлов топшириқномаларини қайтариб олиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдига «Аҳолининг уй-жой шартини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4701-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ресурслари ҳисобидан яқна тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун кредит ажратилиши бўйича ўтказилаётган эксперимент Тошкент шаҳрига татбиқ этилсин.

7. 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парварishi бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сони 2020 йил 1 июндан бошлаб қўшимча 10 фоизга оширилсин.

8. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамгармаси (кейинги ўринларда – Жамгарма) томонидан қўйидаги фоиз харажатларини қолдашга компенсация бериш тарзида тадбиркорликни давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш чоралари жорий этилсин:

тадбиркорлик субъектларига Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан миллий валютада бериладиган инвестициявий кредитлар бўйича, Жамгарма тўғрисидаги низоом талабларини ҳисобга олган ҳолда кредит шартномаси амал қилишининг биринчи йили давомида;

2020 йил 1 октябрга қадар тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдирish учун миллий валютада 500 миллион сўмгача бериладиган кредитлар бўйича Жамгарма тўғрисидаги низоом талабларини ҳисобга олган ҳолда кредит шартномаси амал қилиш мuddати давомида 10 фоизлик пункт миқдориди.

\*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 19.05.2020 йилдан кучга кирди.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил коронавирус пандемияси даврида тақдим этилган имтиёзлар ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларининг тўлиқ ва ўз вақтида қўлланилиши устидан мониторинг ўрнатсин ва қонун бузганлик учун жавобгарлик чораларини қўллаш бўйича таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси бюджетни, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, шунингдек, бюджетдан ташқари Пенсия жағмармасига (зарурият бўлганда) солиқ имтиёзлари берилиши

ва ижтимоий нафақа олувчилар сонининг ошиши натижасида олинмай қўлинадиган даромадлар муносабати билан Молия вазирлиги ҳузуридаги Инжирозга қарши курашиш жағмармаси ҳисобдан субсидиялар ажратсин.

11. Мазкур Фармоннинг икросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,  
2020 йил 18 май  
ПФ-5996-сон.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINI  
PREZIDENTINING  
FARMONI

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИК  
КЎРСАТКИЧЛАРИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА\***

Сўнгги йилларда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва экспорт географиясини кенгайтириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

2016–2019 йиллар давомида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми – 171,2 фоизга, жумладан, мева-сабзавотчилик – 172,6 фоизга, чорвачилик маҳсулотлари – 170 фоизга, ўрмон ва балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш – 177,5 фоизга ошди.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт ҳажми 1,4 миллион тоннадан ошиб, 2016 йилга нисбатан 1,5 баробарга ўсишга эришилди.

Шу билан бирга, жаҳон бозоридида маҳсулотларга қўйилган сифат ва хавфсизлик талабларининг тобора кучайиб бориши, республикамизда етиштирилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлаш учун қўшимча чоралар қўришни талаб қилмоқда.

Республикада **Organic** ва **Global G.A.P.** халқаро стандартлари талабларига мувофиқ махсулот ишлаб чиқариш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш тизимларини ривожлантириш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини яхшилаш, экспорт географиясини кенгайтириш, шунингдек, мамлакатимизнинг органик махсулот ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага\*\* мувофиқ;**

Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича **«Йўл харитаси» 2-иловага\*\* мувофиқ;**

2020–2025 йилларда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фонди ерларида босқичма-босқич органик ишлаб чиқаришга ўтишнинг прогноз кўрсаткичлари **3-иловага\*\* мувофиқ;**

2020–2025 йилларда мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти (**Global G.A.P.**) халқаро стандартлари талабларига мувофиқлашадиган ер майдонларининг асосий экспортбоп экин турлари бўйича прогноз кўрсаткичлари **4-иловага\*\* мувофиқ;**

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши корхоналари ва кластерлари томонидан органик пахта хом ашёси етиштириш ҳамда органик тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси **5-иловага\*\* мувофиқ;**

Республика ҳудудларида агрозкотуризм жозибadorлигини янада ошириш учун органик бозорлар ва ресторонлар ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси **6-иловага\*\* мувофиқ** тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти (**Global G.A.P.**) доирасидаги барча манфаатдор ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади;

б) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига: барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлардан органик ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти (**Global G.A.P.**) доирасидаги зарурий маълумотларни олиш;

органик махсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ташшиш, сақлаш, сотиш ва сертифициклатлаш билан шугуллануви хўжалик субъектлари фаолиятининг эквивалентлигини баҳолаш ва авторизациялаш тизимини яратиш ҳуқуқи берилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ органик қишлоқ хўжалигига ўтказилган ер участкаларида экинларни жойлаштириш органик стандарт талабларини ҳисобга олган ҳолда илмий асосланган амаллаб экиш схемаларига мувофиқ амалга оширилади ва экинларни жойлаштиришда давлат аралашувига йўл қўйилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўзбекизоқиқоқатхолдинг» холдинг компанияси, Фанлар академияси билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар органик қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш тизимларини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини;

«Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда икки ой мuddатда органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ихтиёрли сертификатлашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Тошкент давлат аграр университетидида «Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш» йўналишида мутахассислар тайёрлаш учун ўқув-услубий материалларни ишлаб чиқсин ва 2021–2022 ўқув йилидан бошлаб ушбу йўналишда талабалар қабул қилишни йўлга қўйсин;

\*Ушбу Фармон Қўнун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 19.05.2020 йилдан қўчга кирди.

\*\*Фармонга 1–6-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида таншиши мумкин.

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
3-босқич	Валютани назорат қилувчи органлар ва тижорат банклари	Амалга оширилган ташқи савдо операциялари устидан тааллуқлилиги бўйича Ўз ваколати доирасида мониторинг ва назоратни амалга ошириш.	Доимо
4-босқич	Давлат божхона хизмати органлари ва тижорат банклари	Божхона ва валюта қонунчилиги, ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби бузилиши аломатлари аниқланганда ахборотни солиқ органларига тақдим этиш.	Ҳолатлар аниқланганда ҳар ой якуни бўйича

\*Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550-сон қароридан белгиланган тартибда контрактлар экспертизадан ўтказилади.

Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга  
3-ИЛОВА

## ТАШҚИ САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ЯҲОНА ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ТИЗИМИГА КИРИТИЛАДИГАН МАЪЛУМОТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ

1. Контракт бўйича умумий ахборот\*: импорт қилувчи (экспорт қилувчи)нинг номи ва реқвизитлари, шу жумладан, СТИР; хорижий шерикнинг номи ва унинг реқвизитлари; контрактнинг санаси ва тартиб рақами; контрактнинг ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ тури; контрактнинг предмети (товар ёки ишлар ва хизматлар); контрактнинг умумий суммаси; контрактнинг валютаси; тўлов валютаси; товарни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш шартлари ва муддатлари; тўлов шартлари; қўшимча битимларнинг санаси ва тартиб рақами; бажарилган ишлар ва/ёки кўрсатилган хизматларнинг далолатномалари; контракт бўйича операцияларни тугаллаш. Бунда далолатнома ҳақидаги ахборотга қуйидагилар киритилади: далолатнома рақами ва санаси; кўрсатилган ишлар ва хизматларнинг тури; кўрсатилган ишлар ва хизматларнинг ўлчов бирлиги ва ҳажми;

кўрсатилган ишлар ва хизматларнинг қиймати.  
2. Инвойс бўйича умумий маълумот\*: импорт қилувчи (экспорт қилувчи)нинг номи ва реқвизитлари, шу жумладан, СТИР; хорижий шерикнинг номи ва унинг реқвизитлари; инвойснинг санаси ва тартиб рақами; инвойснинг ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ тури; инвойснинг предмети (товар ёки ишлар ва хизматлар); инвойс суммаси; инвойс валютаси;  
3. Биржа (ярмарка) контрактлари Товар-хом ашё биржа ва кўргазма-ярмаркаси\*\*; импорт қилувчи (экспорт қилувчи)нинг номи ва реқвизитлари, шу жумладан, СТИР;

хорижий шерикнинг номи ва унинг реқвизитлари; контрактнинг санаси ва тартиб рақами; контрактнинг ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ тури; контрактнинг предмети; контрактнинг умумий суммаси; контрактнинг валютаси; тўлов валютаси; қўшимча битимларнинг санаси ва тартиб рақами; маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ахборот.  
4. Маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ахборот\*\*\*: тўлов санаси ва суммаси; тўлов топширигининг санаси ва тартиб рақами; аккредитив очилган санаси, тартиб рақами, суммаси ва муддати ҳамда унинг бажарилиши тўғрисидаги ахборот; берилган кафолатнинг санаси, тартиб рақами, суммаси ва муддати, кафилнинг номи ва кафолат бажарилганлиги тўғрисидаги ахборот; берилган сугурта полисининг санаси, тартиб рақами, суммаси ва муддати, сугурта компаниясининг номи; контрактлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар; дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ҳисобдан чиқариш; жазо жарималари ва норезидентнинг даромадига солиқ тўлаш;

хорижий банкнинг воситачилик ҳақи.  
5. Товарлар юклар жўнатилганлиги ва тушганлиги тўғрисидаги ахборот\*\*\*\*: товарнинг номи ва ТИФ ТН бўйича код; товарнинг миқдори; товар келиб чиққан мамлакат; божхона юк декларацияси расмийлаштирилган сана ва унинг тартиб рақами; товарнинг фактура, божхона ва статистика қиймати; божхона режими; ўлчашнинг қўшимча бирлиги, коди (зарурат бўлганда); товарнинг оғирлиги; ташқи савдо контракти ва инвойс бўйича ҳўжалик юритувчи субъект ва хорижий шерик номи ва реқвизитлари.

\*Маълумотлар ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан киритилади.

\*\*Товар-хом ашё биржа ва кўргазма-ярмаркаси томонидан киритилади.

\*\*\*Тижорат банклари томонидан киритилади.

\*\*\*\*Давлат божхона хизмати органлари томонидан божхона юк декларациялари расмийлаштирилгандан сўнгра киритилади.

Изоҳ. ТСОЯЗАТда ташқи савдо контрактларини ва инвойсларни ижро этиш билан боғлиқ тўлдириладиган бошқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

3. ТСОЯЭАТда идентификация рақамлари қуйидаги тартибда шакллантирилади:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
А									Б								
					19	20	21	22	23	24	25	26	27				
					В			Г			Д						

«А» қисми 9 та рақамдан иборат бўлиб, ташқи савдо келишувига оид ҳужжат бўйича банк операцияларини амалга ошираётган тижорат банкининг СТИР кўрсатилади. Ташқи савдо контрактлари биржа (ярмарка)да тузилган тақдирда, «А» қисмида ушбу биржа (ярмарка)нинг СТИР кўрсатилади.

«Б» қисми СТИРни (импорт қилувчи/экспорт қилувчи – Ўзбекистон Республикаси резидентининг) ифода этадиган 9 та рақамдан иборат бўлади.

«В» қисми 2 та рақамдан иборат бўлиб, йилнинг охириги 2 та рақами кўрсатилади (масалан: 2019 бўлса, унда 19 кўрсатилади).

«Г» қисми ташқи савдо операцияларини ифода этадиган 2 та рақамдан иборат бўлади, яъни:

- 01 – экспорт контракти;
- 02 – импорт контракти;
- 03 – бартер контракти;
- 04 – марказлаштирилган экспорт контракти;
- 05 – марказлаштирилган импорт контракти;
- 06 – импорт биржа (ярмарка) контракти;
- 07 – экспорт биржа (ярмарка) контракти;
- 08 – экспорт-консигнация контракти;
- 09 – республика ҳудудида экспорт контракти;

10 – Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали дастурий таъминот экспортлари;

11 – қайта ишлаш (республика ҳудудида) бўйича экспорт контракти;

12 – қайта ишлаш (республикадан ташқарида) бўйича импорт контракти;

13 – Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги савдо майдончалари орқали экспорт контракти;

14 – инвойс асосида экспорт;

15 – инвойс асосида импорт.

Д қисми контракт ёки инвойснинг ТСОЯЭАТ томонидан автоматик равишда бериладиган тартиб рақамини ифода этадиган 5 та рақамдан иборат бўлади.

4. ТСОЯЭАТда ташқи савдо контрактлари ва инвойсларнинг тартиб рақамлари ҳар йилнинг бошида 00001 рақами билан бошланади. Бунда идентификация рақамлари ҳар бир контракт ва инвойс учун алоҳида берилди. Ташқи савдо контракти биржада (ярмаркада) тузилган бўлса, идентификация рақами биржада (ярмаркада) рўйхатга олиш журнали (реестри) бўйича берилди.

5. Ташқи савдо контрактлари ва инвойсларнинг идентификация рақамида ушбу Тартибда назарда тутилмаган ажратилш белгилари (каср, тире, нуқта, вергул ва бошқалар) қўйилмиши йўл қўйилмайди.

*Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-ИЛОВА*

**ТАШҚИ САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИ УСТИДАН МОНИТОРИНГ ВА НАЗОРАТ ОЛИБ БОРИШ СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-Босқич	1. Ҳўжалик юритувчи субъект* 2. Биржа (ярмарка)	Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига (ТСОЯЭАТ): 1. Тузилган ташқи савдо контрактлари ва инвойсларни; 2. Биржа (ярмарка)да тузилган контрактларни киритиш.	1. Ташқи савдо операциялари бошлангунига қадар 2. Контракт биржа (ярмаркада) тузилгандан сўнг 1 иш куни мобайнида
2-Босқич	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиги ҳузурдаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК (қонунчиликда белгиланган ҳолларда)*  1. Тижорат банклари, Ҳазначилик бўлинималари, товар-хом ашё биржаси 2. Давлат божхона хизмати органлари 3. Ҳўжалик юритувчи субъектлар	Импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш.*  ТСОЯЭАТга валюта ва товарлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларини: 1. Контракт ва инвойслар бўйича валюта маблағларнинг ҳаракати тўғрисида ахборотларни; 2. Контракт ва инвойс бўйича божхона юк декларацияси маълумотларини; 3. Ишлар ва хизматлар далопатномасини киритиш.	20 кун ичида*  1. Ҳисоб-китоблар амалга оширилганда онлайн тарзда келиб тушади 2. Товарлар тушганда ёки юклар жўнатилганда онлайн тарзда келиб тушади 3. Далопатнома тузилган кунда 1 кун ичида

в) бир ой мuddатда вазирлик тузилмасида белгиланган шартлар доирасида 4 та шарт бжригидан иборат органик ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиётини ривожлантириш бошқармасини ташкил этсин;

д) 2021 йил 1 январга қадар қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот институтиларида мавжуд лабораторияларни замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозласин ва бирламчи органик уруф етиштирувчи хўжаликлар фаолиятини йўлга қўйсин;

е) 2020 йил 31 декабрга қадар Жаҳон банкининг қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича кредит маблағлари ҳисобидан «Қишлоқ хўжалигида стандартлаштириш маркази» давлат унитар корхонаси қошида Organic ва Global G.A.P. халқаро стандартлари талабларига мувофиқ комплекс синов лабораторияси мажмуасини ташкил этиш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда органик маҳсулотларни етиштириш (ишлаб чиқиш), қайта ишлаш, сақлаш ва қадоклашга ҳамда органик уруғчиликни ривожлантиришга йўналтирилган беш йиллик давлат илмий-техник дастурларни ишлаб чиқсин ва лойиҳаларни танловлар асосида шакллантирсин.

6. «Ўзстандарт» агентлиги:  
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, «Ўзбекизоқовқатходдинг» холдинг компанияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда Кодекс Алиментариус Комиссияси стандартлари талабларига мувофиқ Европа Иттифоқи билан савдо фаолиятини жадаллаштириш бўйича 2020–2024 йилларга муължалланган чора-тадбирлар дастурлари режасини ишлаб чиқсин;

2020 йил 1 сентябрга қадар ISO 28000 «Етказиб бериш занжирида хавфсизлигини бошқариш тизимлари» халқаро стандартлари серияларини қабул қилсин;

уч ой мuddатда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг қўшимча қиймат занжирини ташкил этишда иштирок этувчи барча корхона ва ташкилотлар фаолиятларида бажариладиган жараёнларни ISO 28000 «Етказиб бериш занжирида хавфсизлигини бошқариш тизимлари» халқаро стандарти талабларига мувофиқлигини баҳолашнинг белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда органик маҳсулотларни зарарсилантириш бўйича халқаро тажрибада қўлланилаётган усуллар ва воситалар рўйхатини шакллантирсин ҳамда экспортга йўналтирилаётган органик маҳсулотларни зарарсилантириш ишларининг халқаро талабларга мувофиқ амалга оширилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу Фармон мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг ўринбосари Ў.И.Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини  
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 18 май  
ПФ-5995-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ХУДУДЛАРДА КЎП ҚАВАТЛИ БИНОЛАР ҚУРИШ ИШЛАРИНИ  
ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\***

Ўзбекистон Республикасининг барча худудларида урбанизация жараёнларини жадаллаштириш, Сирдарё ва Бухоро вилоятларида юз берган фавқулодда ҳодисалар оқибатларини зудлик билан бартараф этиш, аҳолининг замонавий уй-жойларга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда қурилиш-пудрат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2021 йил 1 январгача бўлган мuddатда иловатдаги рўйхатта мувофиқ импорт қилинадиган янги қуриш ва махсус техникалар ҳамда юк ташиш транспорт воситалари божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари);

2020 йил 1 июндан 2023 йил 1 июлгача бўлган мuddатда кўп қаватли монолит уй-жойлар қуриш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатта мувофиқ импорт қилинадиган бетон қуйиш қоплиқлари, бетон тайёрлаш машина ва механизмлари божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

божхона тўловларини тўловчилар 2020 йил 1 июндан 2023 йил 1 июлгача бўлган мuddатда импорт қилинадиган, қурилиш соҳа-

сида фойдаланиладиган машина ва механизмлар, технологик жиҳозлар, кичик механизация воситалари, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар бўйича божхона тўловларини (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 120 кунгача кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқига эга бўлади;

«Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ушбу қарорнинг 1-бандига мувофиқ импорт қилинадиган техника ва транспорт воситаларини сифат, истеъмолчилар соғлиғи ва ҳаёти ҳамда атроф-муҳитга зарар етказиши хавфи нуктаи назаридан белгиланган талабларга мувофиқлиги бўйича ўтказиладиган сингловлар устандан тегилши назоратини таъминлайди.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини  
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 19 май,  
ПҚ-4718-сон.

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 19.05.2020 йилдан қучга кирди.

**2021 ЙИЛ 1 ЯНВАРГА ҚАДАР БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИДАН  
(ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИГИ ВА БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИ ЙИГИМЛАРИДАН  
ТАШҚАРИ) ОЗОД ЭТИЛАДИГАН, ИМПОРТ ҚИЛИНАДИГАН ЯНГИ ҚУРИЛИШ ВА  
МАХСУС ТЕХНИКАЛАР ҲАМДА ЮК ТАШИШ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Қурилиш ва махсус техникалар, юк ташиш транспорт воситалари номи	ТИФ ТН коди
1	Механик йўл билан (қўлда) йўл чиқиқларини чизиш машинаси	8424890009
2	Электр двигателъ орқали бошқариладиган тельфер (лебедка)	8425110000
3	Кўтариш мосламаси (домкрат)	8425490000
4	Бир қовушли юк кўтарувчи экскаватор, бир томонлама буриладиган ва бурилмайдиган бульдозер (5 куб м гача бўлган қовуш Ҳажми)	8429519900 8429521009
5	Бульдозер (қуввати 200 от кучидан кам бўлган)	8429110090
6	Бир қовушли гилдиракли мини-юклагич (5 куб м гача бўлган қовуш Ҳажми)	8429519900
7	Олд юк кўтарувчи, юкловчи (5 куб м гача бўлган қовуш Ҳажми)	8429519900
8	Мини юк кўтарувчи (5 куб м гача бўлган қовуш Ҳажми)	8429519900
9	Мини юк ортувчи (айланувчи бортли) (5 куб м гача бўлган қовуш Ҳажми)	8429519900
10	Гидроболғали, гидротизимли ўзи судралиб юрвчи (гусеничний) экскаватор (2 куб м гача бўлган қовуш Ҳажми)	8429521009
11	Ўзи судралиб юрвчи (гусеничний) экскаватор (2 куб м гача бўлган қовуш Ҳажми)	8429521009
12	Гидроболғали, гидротизимли юкловчи экскаватор (5 куб м гача бўлган қовуш Ҳажми)	8429529000
13	Гидроболғадан фойдаланишда қўлланиладиган гилдиракли гидротизимли экскаватор (5 куб м гача бўлган қовуш Ҳажми)	8429529000
14	Гилдиракли экскаватор (5 куб м гача бўлган қовуш Ҳажми)	8429529000
15	Манипулятор бошқарувли кранли юк машинаси	8704239109, 8704229109
16	Дизель ёқилғисида ҳаракатланувчи цемент ташувчи юк машинаси	8704239109, 8704229109
17	Цемент ташувчи юк машинаси	8704239109, 8704229109
18	Паст рамали оғир юк машинаси	8704239109, 8704229109
19	Дизель ёқилғисида ҳаракатланувчи юк машинаси (самосвал)	8704239109, 8704229109
20	Автокран (юк кўтариш қуввати 50 тоннагача бўлган)	8705100090
21	Манипулятор бошқарувли кран	8705100090
22	Бетон аралаштирувчи юк машинаси	8705400000
23	Автобетонасос	8705903000
24	Автоминора (автовышка)	8705908007
25	Пуркагичли (битум ва бошқалар) махсус юк машинаси	8705908007
26	Вакуумли тозаловчи, ювувчи махсус машина	8705908007
27	Ётиқ йўл белгиларини чизиш махсус машинаси	8705908007

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШҚИ САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИ  
МОНИТОРИНГИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА\***

Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини яриштириш тизимини янада такомиллаштириш ва унинг самардорлигини ошириш, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан ташқи савдо контрактлари ва инвойслар бўйича маълумотларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритиш тартиб-таомилларини соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ ҳўжалик юритувчи субъектлар ташқи савдо контрактлари ва инвойслар бўйича

маълумотларни электрон шаклда электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритади.

2. Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига ушбу қарор талаб-

\*Ушбу қарор Қонун ҳўжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 15.05.2020 йилдан кучга кирди.

равишда тўлаб берилмаган ёхуд тўлашни рад этган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жарима қўллаш ҳақидаги ариза билан судга мувожаз қилади.

Ариза қиритиш санасида хорижий валюта курси ўзгарган тақдирда, талабномада кўрсатилган сума қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Аризага ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали қайд қилинган контрактлар орқали муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжудлиги ҳақидаги маълумотнома, почта харажатлари тўланганлиги ва аризанинг кўчирма нусхаси ҳўжалик юритувчи субъекта юборилганлигини тасдиқловчи ҳўжатлар, талабнома ва унинг юборилганлиги ҳақида далиллар илова қилинади.

Аризада кўрсатилган ташқи савдо контрактлари бўйича тўлиқ миқдорда валюта маблағларининг тушуши ёки товарларнинг республикага олиб қирилиши ҳамда «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилиши, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши таъминланган тақдирда:

жарима қўллаш масаласи судда қўриб чиқилаётган пайтда – аризани қаноатлантириш рад этилади;

суд ҳўжжати қонуний кўчга кирмаган вақтда – ижрога қаратилмайди;

молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги суд ҳўжжати қонуний кўчга киргандан сўнг 90 календар кун ичиде ва уни шу муддат ичиде ижро этиш пайтида – иш юритиш тугатилади ва мажбурий ундириш бўйича қўрилган барча чоралар бекор қилинади (давлат солиқ хизмати органи ва Узбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Мажбурий ижро бюроси томонидан);

ундирилган жарималар ҳўжалик юритувчи субъектининг аризаси асосида банк ҳисобварағига қайтариб берилади. Бунда ундирилган маблағлар:

– Узбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Мажбурий ижро бюроси депозит ҳисобварағида сақланаётган бўлса, Мажбурий ижро бюроси томонидан;

– Узбекистон Республикасининг Давлат бўджетига ўтказилган бўлса, Узбекистон Республикаси Солиқ кодексида назарда тутилган тартибда ҳисобга олиш амалга оширилганидан кейин ортиқча тўланган сума сифатида эътироф этилиб, давлат солиқ хизмати органи ҳулосаси асосида Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги томонидан амалга оширилади.

Жарима қўлланилгандан кейин тўшган валюта маблағлари ёки республикага олиб қирилган ҳамда «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилган товар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар суммаси талабномада кўрсатилган валюта курси бўйича сўмда ҳисоб-китоб қилинади.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кўчга киргандан сўнг давлат солиқ хизмати органи ҳўжалик юритувчи субъектининг шаҳсий варақасида қўлланилган жарима суммасини ҳисобга олади.

Ҳисобга олинган жарима суммаси солиқ қарзи сифатида эътироф этилиб, белгиланган тартибда мажбурий ундирув чоралари қўрилади.

29. Ташқи савдо операцияларида хорижий шериклар томонидан олдидан ўтказилган пул маблағлари бўйича товарларни «экспорт» божхона режимида расмийлаштириш, ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш, ёки Узбекистон Республикасига импорт қилинган товарлар, шунингдек, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар бўйича Узбекистон Республикасининг тижорат банклари орқали пул маблағларини ўтказиш муддати 365 кундан ошиб кетмаслиги керак.

Бунда ушбу муддат товарларни «экспорт» божхона режимида расмийлаштириш, ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш хорижий шериклар томонидан ўтказилган пул маблағлари экспорт қилувчиларнинг хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида қайд этилган кундан бошлаб, Узбекистон Республикасининг тижорат банкла-

ри орқали пул маблағларини ўтказиш хорижий шериклар томонидан Узбекистон Республикасига импорт қилинган товарлар «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилган, шунингдек бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар далолатномаси имзоланган кундан бошлаб ҳисобланади.

30. Ҳўжалик юритувчи субъектлар, тижорат банклари, бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар, Ҳазначилик бўлимчалари ва давлат божхона хизмати органилари тегишли ахборот ТСОЯЭАТга ўз вақтида ва тўғри қиритилиши учун жавоб берадилар.

31. Давлат божхона хизмати органилари:

товарларнинг келиб тушуши ёки юкнаа жўнатилиши тўғрисидаги божхона юк декларациялари маълумотлари ТСОЯЭАТга ўз вақтида ва тўғри қиритилиши учун жавоб берадилар, товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш бўйича маълумотларни ҳамда улар бўйича амалга оширилган божхона тўловларини таҳлил этадилар, шунингдек, божхона юк декларациялари маълумотларининг электрон базаси ТСОЯЭАТга ўз вақтида қўшилишини таъминлайдилар; товарларни Узбекистон Республикаси ҳудудида ноқонуний олиб кириш механизмларини аниқлаш ҳамда барҳам бериш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги бошқа жиноятларини очиш бўйича тезкор-таҳлилий ва қидирув чора-тадбирлари ўтказилишини таъминлайдилар.

32. Узбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси товарларнинг божхона қиймати белгиланиши устидан доимий мониторинг олиб боради. Мониторинг натижалари ҳамда мўқибил манбалардан олинган маълумотлар асосида нарх маълумотлари бюллетени шакллантирилади. Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг хабардорлигини ҳамда божхона тартибларининг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида хар чорақад Давлат божхона кўмитасининг расмий сайти ва Узбекистон Республикасининг очик маълумотлар порталига электрон шакли жойлаштириб борилади.

33. Нарх маълумотлари бюллетени Узбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Узбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш кўмитаси билан келишилади.

Божхона органилари нарх маълумотлари бюллетенидан Узбекистон Республикасининг нарх маълумотлари кодексига белгиланган тартибда товарларнинг божхона қийматини аниқлашда ва назорат қилишда фойдаланади.

34. Товарларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотларнинг мўқибил манбалари сифатида ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки етказиб бериувчиларнинг расмий эълон қилинадиган маълумотномалари, бюллетенлари, биржа котировкалари, прайс-варақалардан, улар уюшмалари ёки бирлашмаларининг йигма нарх маълумотномаларидан, товарларни ишлаб чиқарувчи хорижий компаниялар ваколатхоналарининг, уларнинг расмий рўйхатдан ўтказилган дилерлари ёки дистрибьюторларининг маълумотларидан, шунингдек, нархлар конъюнктурасини ҳолис шакллантирадиган умумий фойдаланиладиган нарх тўғрисидаги маълумотларнинг бошқа ишончли манбаларидан фойдаланиш мумкин.

35. Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортдан тушум қонун ҳўжатларида белгиланган муддатларда тушмаганлиги ёки тўлиқ тушмаганлиги ёхуд импорт бўйича товарлар тўлиқ тушмаганлиги (ишлар ва хизматлар бажарилмаганлиги) (аванс тўлови қайтарилганлиги) ҳўлатлари тўғрисидаги ахборот ТСОЯЭАТда шакллантирилади. Узбекистон Республикаси давлат солиқ ва божхона хизматлари органилари тегишли чора-тадбирлар қўриш учун ТСОЯЭАТ маълумотларидан фойдаланади.

## 5-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДА

36. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳўжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

*Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бериш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга*  
1-ИЛОВА

## ТАШҚИ САВДО КОНТРАКТЛАРИ ВА ИНВОЙСЛАРГА ИДЕНТИФИКАЦИЯ РАҚАМЛАРИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

1. Ушбу Тартиб ташқи савдо контрактлари ва инвойсларга идентификация рақамлари бериш қоидаларини белгилайди.

2. Ташқи савдо контрактлари ва инвойсларга идентификация

рақамлари ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида (кейинги ўринларда – ТСОЯЭАТ) ушбу Тартиб талабларига мувофиқ зарур ахборотни қиритиш орқали бериледи.



#### 4-БОБ. ТАШҚИ САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

22. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо контрактлари ва иновселари мониторингинг валютани назорат қилувчи органлар ва тижорат банклари томонидан ТСОЯЭАТ орқали амалга оширилади. Бунда ушбу органлар ва тижорат банклари ўртасида ТСОЯЭАТда шаклланган маълумотларни ўзаро талаб этиш таққиланади.

23. Товарларни республикага олиб кириш ва «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштириш, шунингдек, ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш ёхуд улар учун тўланган пул маблағларини қайтариш мuddати импорт контрактлари бўйича тўлов амалга оширилган ҳамда бошлаб 180 календарь кундан ортиқ бўлмаслиги керак.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида тузилган контрактлар бўйича ёки контрактлар Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимларни амалга ошириш доирасида Бошқарувчи қўмита томонидан тасдиқланган тақдирда – импорт контрактлари белгиланган мuddатлардан ошмаслиги лозим.

24. Экспорт контракти бўйича тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб кириш мuddати товарларга нисбатан – «экспорт» божхона режими бўйича божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан ва хизматларга (ишларга) нисбатан – бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб 180 кундан ошиб кетмаслиги керак.

Бунда ениб бўлмайдиган куч (форс-мажор) таъсири юзга келган ҳолатда хорижий валютاداги тушунинг тушиши мuddати ушбу таъсир юз берган давлатнинг валютани органи томонидан тасдиқланган, ениб бўлмайдиган кучнинг амал қилиши даврига узайтирилади.

25. Экспорт контрактлари бўйича тўловлар вакил банклар орқали амалга оширилган ва вакил банкининг банк воситачилик ҳақи экспорт қилувчининг ҳисоб рақамига тушувчи маблағлар ҳисобига тўланадиган ҳолларда, у дебиторлик қарз сифатида ҳисобга олинмаслиги, балки экспорт қилувчи балансининг харажат қисмида ҳисобга олиниши керак.

Аванс тўловлар бўйича маблағлар қайтариб берилганда ёки вакил банкининг банк воситачилик ҳақи импорт қилувчининг маблағлари ҳисобига тўланганда импорт контрактлари бўйича товарлар тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, у дебиторлик қарз сифатида ҳисобга олинмаслиги, балки импорт қилувчи балансининг харажат қисмида ҳисобга олиниши керак.

26. Хизматлар экспортини амалга оширувчи ва импорт қилувчининг мамлакатида кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлардан (фойдадан) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқлар тўлаган экспорт қилувчилар ўзининг тижорат банкига ушбу солиқлар чет элда тўланганлиги тўғрисидаги тасдиқномани тақдим этадилар. Бунда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланган сумма контракт бўйича дебиторлик қарз сифатида ҳисобга олинмайди.

Ушбу солиқлар асосис тўланганлиги, уларнинг камайтирилганлиги ёки қайтарилганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда контракт бўйича дебиторлик қарз тикланиши керак.

27. Чет элдан хорижий валютاداги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар, шунингдек, «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштириши, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиши 30 банк кундан ортиқ тазминламаган импорт қилувчилар (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун – 60 банк кун) белгиланган мuddатлар тамом бўлгандан кейин:

180 кунгача кечикканда – тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 20 фоизига тенг миқдорда;

180 кундан 365 кунгача кечикканда – тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 70 фоизига тенг миқдорда республика бюджетига даромадига қўшимча жарима тўлайдилар.

365 кундан ортиқ кечикканда – тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 70 фоизига тенг миқдорда республика бюджетига даромадига қўшимча жарима тўлайдилар.

Қўйдаги ҳолларда хўжалик юритувчи субъектларга ташқи савдо операциялари бўйича мuddати ўтган дебитор қарздорлик учун жарима қўлланилмайди:

жарима қўллаш ҳақидаги аризада кўрсатилган контрактлар бўйича «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ тўлиқ ёки қисман репатриация қилинган активлар суммасига нисбатан;

асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи буюмлар етказиб бериш бўйича импорт контрактлари шартларида асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи буюмларни етказиб бериш мuddати уларнинг техник хусусиятлари ва ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда 180 календарь кундан ортиқ белгиланган бўлса;

чет элдаги корхона номига олиб чиқилган ҳамда транспортда ташиш ва саклаш жараёнида экспортчига ва чет элдаги корхонага боғлиқ бўлган савабларга қўра яроқсиз бўлиб қолган ёки импорт қилувчи давлат органи томонидан мусодара қилинган товарларга тегишли ваколатли органининг экспертизаси далолатномаси ва (ёки) товарлар турган мамлакат божхона органининг божхона назорати остида уларнинг йўқ қилинганлиги ёки мусодара қилинганлиги тўғрисидаги тасдиқномаси тақдим этилганда;

айни бир қарздорлик предмети ва товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) амалдаги экспорт ва импорт ҳажми бўйича такрорий жарималар.

Юридик шахс – Ўзбекистон Республикаси резидентининг охириги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлган жарима санкцияларини ундириш унга ундирилмаган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида тўловларни ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш имконини берган ҳолда амалга оширилади.

28. Чет элдан хорижий валютاداги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчиларга, шунингдек, «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштириши, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиши тазминламаган импорт қилувчиларга давлат солиқ хизмати органи томонидан жарима қўллаш тўғрисида талабнома (кейинги ўринларда – талабнома) юборилади.

Талабнома ёзма ёки электрон шаклда расмийлаштирилади ва унда қўйдагилар кўрсатилиши керак:

хўжалик юритувчи субъектнинг тўлик номи;

солиқ тўловчининг идентификация рақами;

талабнома санаси, рақами;

ташқи савдо контракти идентификация рақами;

контракт тури;

хорижий шерик номи, давлати;

валюта тури;

мuddати ўтган дебиторлик қарз юзга келган санаси, суммаси;

Марказий банк томонидан белгиланган валюта курси ва санаси;

мuddати ўтган дебиторлик қарзининг сўмдаги қиймати;

талабнома олинганидан сўнг хўжалик юритувчи субъект томонидан кўриладиган чоралар ва мuddати;

мuddати ўтган дебиторлик қарз баргараф этилмаган тақдирда қўлланиладиган чоралар.

Талабнома хўжалик юритувчи субъект ёки унинг вакилига олганлиги ва олинган санани тасдиқловчи усулда топширилиши лозим, солиқ тўловчининг шахсий кабинети мавжуд бўлган тақдирда, у орқали юборилиши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан талабнома почта орқали буюртма хат билан юборилганда у жўнатилган кундан эътиборан беш кун ўтганидан сўнг топширилган, шахсий кабинет орқали юборилганда эса кейинги иш кўни хўжалик юритувчи субъект томонидан қабул қилиб олинган кун деб ҳисобланади.

Талабномада жарима суммаси уни жўнатиш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта курси бўйича сўмда ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъект давлат солиқ хизмати органига талабнома олинган кундан эътиборан ўн кун мuddатда ташқи савдо операциялари бўйича мuddати ўтган дебитор қарздорликларнинг баргараф этилганлиги ёки жарима суммаси ихтиёрий равишда тўлаб берилганлиги ҳақидаги маълумот(лар)ни ёзма ёки электрон шаклда тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этиши шарт.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан ташқи савдо операциялари бўйича мuddати ўтган дебитор қарздорликлар ихтиёрий

ларидан келиб чиққан ҳолда тегишли ўзгартиришлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага\*\* мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси ва Давлат солиқ кўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой мuddатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтган кучга киради.

8. Маъқул қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У.Умурақов, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси раиси М.Б.Азимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси раиси Ш.Д.Қудбиев зиммасига юлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири**  
**А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 14 май,  
283-сон.

\*\*Қарорга 3-илова «СБХ»да чоп этилмади. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида таншиш мумкин.

ЎзР ВМнинг 2020 йил 14 майдаги 283-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## ТАШҚИ САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МОНИТОРИНГИНИ ОЛИБ БОРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом (кейинги ўринларда — Низом) Ўзбекистон Республикасининг валютани назорат қилувчи органлари ва банкларда ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: бартер контракти — пул маблағларида ўзаро ҳисоб-китоблар қилмаган ҳолда муайян миқдордаги бир ёки бир неча турдаги товарларни (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бошқасига алмаштириш назарда тутилган Ўзбекистон Республикасининг резиденти билан норезиденти ўртасида тузилган контракт;

ташқи савдо контрактлари — ҳўжалик юртувчи субъектларнинг экспорт, импорт, экспорт ва импорт биржа (ярмарка), экспорт консигнация, марказлаштирилган экспорт ва импорт, бартер, қайта ишлаш контрактлари, шунингдек товарларни республика ҳудудида етказиб бериш назарда тутилган экспорт контракти;

товарлар импорти — товарларни уларни қайтариб олиб чиқиш мажбуриятисиз Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида олиб кириш;

ишлар (хизматлар) импорти — хорижий давлатнинг юридик ва jisмоний шахси томонидан Ўзбекистон Республикаси резидентига ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш), улар бажарилиши (кўрсатилиши) жойдан қатъи назар;

импорт қилувчилар — юридик шахслар, шунингдек, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи jisмоний шахслар — товарлар (ишлар ва хизматлар) импортига Ўзбекистон Республикаси норезидентлари билан ташқи савдо келишувларини (контракт, инвойс) тузган Ўзбекистон Республикаси резидентлари;

импорт контракти — товарлар (ишлар ва хизматлар) импортига импорт қилувчи билан Ўзбекистон Республикасининг норезиденти ўртасида тузилган контракт;

импорт биржа (ярмарка) контракти — биржа (ярмарка) савдоларида — товарлар, ишлар ва хизматлар импортига импорт қилувчи билан Ўзбекистон Республикасининг норезиденти ўртасида тузилган контракт;

қайта ишлаш (республикадан ташқарида) бўйича контракт — Ўзбекистон товарларини божхона ҳудудидан қайта ишлаш учун ташқарига олиб чиқиши ва уларнинг қайта ишлаш маҳсулотларини кейинчалик божхона ҳудудида олиб кириш назарда тутилган импорт қилувчи билан Ўзбекистон Республикасининг норезиденти ўртасида тузилган контракт;

ҳўжалик юртувчи субъектлар — Ўзбекистон Республикасининг экспорт қилувчилари ва импорт қилувчилари;

экспорт қилувчилар — юридик шахслар, шунингдек, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи jisмоний шахслар — товарлар (ишлар ва хизматлар) экспортга Ўзбекистон Республикаси норезидентлари билан ташқи савдо битимлари (контракт, инвойс) тузган Ўзбекистон Республикаси резидентлари;

экспорт контракти — товарлар (ишлар, хизматлар) экспортга экспорт қилувчи билан Ўзбекистон Республикасининг норези-

денти ўртасида тузилган ҳўжалик шартномаси, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ экспорт контрактларига тенглаштирилган контрактлар (бартер контрактларидан ташқари);

экспорт биржа (ярмарка) контракти — биржа (ярмарка) савдоларида товарлар (ишлар, хизматлар) экспортга экспорт қилувчи билан Ўзбекистон Республикасининг норезиденти ўртасида тузилган контракт;

қайта ишлаш (республика ҳудудида) бўйича контракт — товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш ва уларни қайта ишлаш маҳсулотлари тарзида олиб чиқиш назарда тутилган экспорт қилувчи билан Ўзбекистон Республикасининг норезиденти ўртасида тузилган контракт;

ишлар (хизматлар) экспорти — экспорт қилувчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг норезидентига ишлар бажарилиши (хизматлар кўрсатилиши), улар бажарилиши (кўрсатилиши) жойдан қатъи назар;

товарлар экспорти — агар қонунчиликда ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, товарларни уларни қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиш;

марказлаштирилган экспорт контракти — ҳукумат номидан ёки унинг кафолати остида давлат эҳтиёжлари учун зарур ҳажмларда экспорт товарларини етказиб беришга тузилган контракт;

марказлаштирилган импорт контракти — ҳукумат номидан ёки унинг кафолати остида давлат эҳтиёжлари учун зарур ҳажмларда импорт товарларини етказиб беришга тузилган контракт;

экспорт консигнация контракти — консигнант ва консигнатор орасида товарни консигнатор орқали сотишга тузилган контракт, бунда консигнатор оғборига тушган товарга эгалик ҳуқуқи товар харидорга сотилишига қадар консигнантга тегишли бўлади; республика ҳудудида экспорт контракти — экспорт қилувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш назарда тутилган ўзида ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)ларни етказиб беришга Ўзбекистон Республикасининг норезиденти билан хорижий валютادا тўридан-тўғри тузилган контракт;

инвойс (ҳисоб-фактура) — ҳалқаро тижорат амалиётида сотувчи томонидан харидорга тақдим этиладиган товарлар ва хизматлар рўйхати, уларнинг миқдори ва харидорга етказиб берилган нархлари, товарларнинг расмий ҳужусуятлари, етказиб бериш шартлари, жунатувчи ва олувчи тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжат.

3. Ташқи савдо контрактлари ва инвойслар бўйича ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ идентификация рақамлари шакл-лантирилади.

### 2-БОБ. ТАШҚИ САВДО КОНТРАКТЛАРИ ВА ИНВОЙСГА КЎЙИЛДИГАН ЭНГ КАМ ТАЛАБЛАР

4. Ташқи савдо контрактларида қуйидаги асосий бўлимлар ва маълумотлар бўлиши керак:

а) Муқаддима. Контрактнинг кириш қисмида контрактнинг тартиб рақами, контракт тузилган жой ва сана, юридик шахсларнинг тўлиқ номи, контрактини тузган шахсларнинг лавозими,

фамилияси ва исми. Агар шахс контрактни ишончнома асосида тузса, бу контрактнинг муқаддимида кўрсатилади ва ушбу ишончнома контрактга илова қилинган ҳолда унинг ажралмас қисми ҳисобланади;

б) Контрактнинг мавзуси. Ушбу бўлимда товарлар, ишлар ва хизматларнинг номи, шунингдек битишуви тури кўрсатилади. Товарнинг номи билан биргаликда унинг тавсифи ҳамда миқдори ва сифати бўйича ассортиментни кўрсатилади.

Бунда товарнинг умумий қабул қилинган халқаро стандартлари, Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи товар (хизмат) стандартлари, шунингдек, хусусияти бўйича унинг типи, модели, маркази, нави, тури ҳам кўрсатилиши лозим.

Товарнинг миқдори ўлчовларнинг метрик тизимида қабул қилинган халқаро бирликларида ифодаланади. Ўлчов бирлигини аниқлашга Ўзбекистон Республикасида тасдиқланган миқдорларини белгилаш ва қўллаш тартибига мувофиқ йўл қўйилади.

Товарнинг сифат тавсифи товардан фойдаланиши учун унинг яроқчилигини акс эттирувчи хоссалар ҳамини белгилайди. Шунингдек, ТИФ ТН бўйича товарнинг кодига ҳавола ҳам зарур.

Машиналар, асбоб-ускуналар ва технология линияларини etkazиб бериш учун контрактда уларнинг янгилиги ёки улардан фойдаланганлиги ҳолати кўрсатилади (фойдаланилганлари учун – эскириш фоизи ёки фойдаланиш муддати);

в) Etkazиб беришнинг базис шартлари («Инкотермс» халқаро қондалари бўйича).

«Инкотермс»дан фойдаланилганда etkazиб бериш жойи (темир йўл станцияси, порт, аэропорт ва бошқаларнинг номи) кўрсатилиши керак (қисқартирилган сўзларнинг бош ҳарфлари билан биргаликда);

г) Товарни etkazиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш муддати ёки санаси кўрсатилади.

Товар etkazиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш контрактларига мувофиқ товар etkazиб беришчи – сотувчи, ишларни бажарувчи ва хизматлар кўрсатувчи томонидан шартлашган муддатларда товарни etkazиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишнинг охирига муддати тушунилади;

д) Контрактнинг умумий суммаси, товарнинг ўлчов бирлигидаги нархи кўрсатилади.

Товарнинг ўлчов бирлиги ТИФ ТНдаги ўлчов бирлигига мувофиқ белгиланади.

Контрактнинг умумий суммаси сотилаётган товар, ишлар ва хизматларнинг қийматини англатади. Ишларни бажаришга ва хизматлар кўрсатишга контрактни тузиш пайтида контракт суммасини белгилаш имкони бўлмаган ўзига ҳок контрактлар тузилган тақдирда контрактнинг умумий суммаси кўрсатилмайд.

Etkazиб бериувчилар томонидан монтаж ва (ёки) ишга тушириш-созлаш ишлари амалга оширилишини, улар томонидан ҳодимларни ўқитиш хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатилишини, роялти тўлинишини назарда тутувчи асбоб-ускуналар, қурилмалар, механизмлар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар харид қилишга (сотишга) ташқи савдо контрактлари бўйича контрактларда (спецификацияларда) бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар ва роялти суммаси алоҳида кўрсатилади;

е) Тўлов шартлари. Контрактадаги тўлов шартларида валюта, тўлов шакли ва муддати белгиланади. Ташқи савдо контрактлари ва инвойсларда тўлов валютаси хорижий валютада кўрсатилади. Агар тўлов валютаси контракт валютасидан фарқ қилса, у ҳолда валютани қайта ҳисоблаб чиқиш курси ва ушбу курсни аниқлаш манбаи кўрсатилади;

ж) Товарнинг келиб чиқиши, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жойи. Контрактада etkazиб берилаётган товар келиб чиққан мамлакат ва ишлаб чиқарувчи, шунингдек, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жойи (мамлакат) кўрсатилади;

з) Томонларнинг жавобгарлиги. Қабул қилинган мажбуриятларнинг томонлар томонидан бажарилишини таъминловчи шартлар сифатида контрактда, қондага кўра, контракт мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонлар тўлайдиган пеня ва/ёки жарима шаклидаги жавобгарлик назарда тутилади. Айбдор томонга зарар қўрган томоннинг талабига кўра неустойка тўлаш мажбурияти юкланади;

и) Томонларнинг рекузитлари. Контракт матида томонларнинг рекузитлари кўрсатилади. Почта рекузитлари, манзил, банк ва юклаб жўнатиш рекузитлари кўрсатилади;

к) Бартер контрактларида импорт товарларни жадал etkazиб

беришни ёки муқобил банк кафолатлари тақдим этишни назарда тутувчи шартлар мажбурий тартибда ҳисобга олинади;

л) Ташқи савдо контрактнинг матни давлат тилида ёки хорижий шерик танлаган тилда баён қилиниши керак. Агар контракт матни бошқа тилда тузилган бўлса, контракт давлат тилига ёки хорижий шерикнинг танлаган тилига таржима қилиниши ва белгиланган тартибда тасдиқланиши керак.

5. Контракт шартларига киритилмаган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги маълумотлар қўшимча битим билан кайд этилиши керак ҳамда контрактлар билан бўлгани сингари тартибда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (кейинги ўринларда – ТСОЯЭАТ) киритилади.

Республикага товарларни олиб кириш назарда тутилган контрактларга ёки инвойсларга қўшимчалар киритилиб, уларга мувофиқ ҳўжалик юритувчи субъектлар, хорижий шериклар ва уларнинг рекузитлари ўзгарган тақдирда, ҳўжалик юритувчи субъектлар ушбу қўшимчалар ҳақидаги маълумотлар ТСОЯЭАТга киритилган санадан бошлаб ўн иш кўни мобайнида «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилган божхона юк декларацияларига тегишли ўзгартиришларни киритиш бўйича давлат божхона хизмати органларига мурожаат этилиши шарт.

6. Ҳўжалик юритувчи субъектларга товарларни (ишлар ва хизматларни) экспорт ва импорт контрактларини тузмасдан, инвойслар асосида экспорт ва импорт қилишга, шунингдек, ушбу инвойслар бўйича тижорат банклари орқали хорижий шериклар билан ўзаро тўловларни амалга оширишга рўхсат этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3351-сон қарорига иловада келтирилган товарларни экспорт қилиш ҳоллари бундан мустасно.

Бунда экспорт товарлари, ишлар ва хизматлар ҳўжалик юритувчи субъектларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисобварақларига олдиндан тўлов 100 фоиз тушгандан сўнг амалга оширилиши, импорт товарлари, ишлар ва хизматлар эса улар бўйича тўловлар хорижий шерикка ўтказилмасдан аввал амалга оширилиши лозим.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматларнинг экспорт ва импорти бўйича маълумотлар далолатнома тузилган кундан 1 кун ичида ТСОЯЭАТга киритилиши лозим.

7. Инвойсларда кўйидаги асосий маълумотлар бўлиши керак: ҳўжалик юритувчи субъектнинг номи ва унинг рекузитлари; хорижий шерикнинг номи ва унинг рекузитлари; инвойс суммаси;

ҳўжалик юритувчи субъектнинг идентификация рақами (СТИР);

товарлар (ишлар, хизматлар) номи;

товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ўлчов бирлиги;

товарлар (ишлар, хизматлар) миқдори;

товарлар (ишлар, хизматлар) нархи;

товарлар (ишлар, хизматлар)ни etkazиб бериш қиймати;

«Инкотермс» бўйича etkazиб бериш шартлари;

ташиш тури.

Инвойслар ҳўжалик юритувчи субъектнинг имзоси билан тасдиқланиши керак.

8. Ушбу б-во талабларига риоя этилиши учун масъулият ҳўжалик юритувчи субъектларга юкланади.

### 3-БОБ. ТАШҚИ САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МОНИТОРИНГИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

9. Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилган ташқи савдо контрактлари ва инвойслар бажарилиши устидан зарур назоратни таъминлаш ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар, валютани назорат қилувчи органлар, товар-ҳом ашё биржаси, газначилик бўлиналари ва тижорат банклари ўртасида ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича ТСОЯЭАТ орқали ахборот айирбодлаш мақсадида жорий этилади.

Бунда Ягона газна ҳисобварағи билан қамраб олинган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг ташқи савдо контрактлари бўйича тўловларнинг амалга оширилиши бўйича тегишли маълумот ТСОЯЭАТга газначилик бўлиналари томонидан киритилади.

10. ТСОЯЭАТ реал вақт режимида ишлайди ва унда ушбу Низомга 3-иловада келтирилган маълумотлар ахс эттирилади.

11. Тижорат банклари:  
аванс тўловлар (олдиндан ҳақ тўлаш) амалга оширилишида ёки импорт контрактлар буйича аккредитив очинди;  
аванс тўлови (олдиндан тўланган ҳақ) тўшганлиги, аккредитив очилганлиги, банк кафолати расмийлаштирилганлиги, экспорт контрактини сўғурталаш буйича полис берилганлиги тўғрисидаги белгиланган тартибда берилган ҳисоб-китоб маълумотномаларини ТСОЯЭАТда расмийлаштиришда ТСОЯЭАТдаги маълумотларни (шу жумладан, қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли вазирлик ва идораларнинг хулосаси мавжудлигини) солиштирадilar, ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Бунда ҳисоб-китоб маълумотномаси фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи савдо фойалиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3351-сон қарорига иловада келтирилган товарларни экспорт қилишда расмийлаштирилади.

Контракт билан ҳужжалик юритувчи субъектлар томонидан ТСОЯЭАТга киритилган маълумотлар ўртасида фарқлар мавжуд бўлмаган тақдирда, банклар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу контракт буйича банк операцияларини амалга оширадilar.

Бунда олдиндан тўлов кафолатланган товарларни экспорт қилиш назарда тутилган контрактлар ва инвойслар буйича ҳисоб-китоб маълумотномалари ТСОЯЭАТга товарларнинг божхона расмийлаштирувига қадар киритилиши лозим.

Ташқи савдо контрактларининг шартлари, шу жумладан, товарлар қисмига қўшимча қелишувларсиз ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади.

12. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчиларнинг ташқи савдо операцияларини мониторингини амалга ошириш мақсадида газначилик бўлимлари тўловларни амалга оширишда ёки аккредитив очинди, ТСОЯЭАТдаги маълумотларни контракт шартлари билан таққослайди.

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан ТСОЯЭАТга киритилган маълумотлар ўртасида фарқлар мавжуд бўлмаган тақдирда, газначилик бўлимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу контракт буйича операцияларни амалга оширадilar.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550-сон қарорининг 2-банди «в» кичик бандида кўрсатилган меъёонларга мос келувчи стратегик, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар, чет эл грантлари ва ташқи қарзлар, давлат иштирокидаги корхоналар, давлат аҳамиятидаги лойиҳалар ва давлат харидларига оид ташқи савдо контрактлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузурдаги «Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК томонидан экспертизадан ўтказилади ва рўйхатга олинади.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг божхона постлари ҳужжалик юритувчи субъект томонидан ТСОЯЭАТга киритилган контракт (шу жумладан, инвойс) маълумотларини «эркин муомаллага чиқариш (импорт)», «экспорт» божхона режимидаги божхона юк декларацияси маълумотлари билан, шунингдек, тижорат банклар томонидан ТСОЯЭАТга киритилган ҳисоб-китоб маълумотномасида кўрсатилган валюта миқдорини тўлов кафолатланган товарларнинг экспорт қийматиغا нисбатан мувофиқлиги ёки ортлиғи билан солиштирадilar ҳамда фарқлар мавжуд бўлмаганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона юк декларациясини расмийлаштирадilar, ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Бунда экспортга божхона расмийлаштируви, тўлов кафолатланган товарлардан ташқари, ТСОЯЭАТга ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотномаларсиз амалга оширилади.

Ҳисоб-китоб маълумотномаси асосида экспорт қилиниши белгиланган товарлар «экспорт» божхона режимида расмийлаштирилаётганда товарларнинг умумий қиймати қиймати ҳисоб-китоб маълумотномасида кўрсатилган фактдан ортиқ бўлишига йўл қўйилмайди.

15. Қуйидагиларга:

тўлов импорт қилувчининг ўз валюта маблағлари ҳисобига амалга оширилган бир ҳужжалик юритувчи субъектнинг икки ва ундан ортиқ импорт контрактлари доирасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга;

ҳужжалик юритувчининг икки ва ундан ортиқ экспорт контрактлари доирасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга йўл қўйилади.

16. Ташқи савдо контракт буйича ўзаро ҳисоб-китоблар ҳужжалик юритувчи субъект томонидан, агар қонун ҳужжатларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкидаги ҳисобварағи орқали амалга оширилиши мумкин.

17. Экспорт қилувчилар қонун ҳужжатларида бошқача назарда тутилмаган бўлса, ТСОЯЭАТга инвойслар тўғрисидаги тегишли маълумотлар киритилиб, товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати тўлиқ тўлангандан кейин ва экспорт қилувчиларнинг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобрақамларига маблағлар тушгандан сўнг товарларни (ишлар, хизматларни) божхона юк декларацияси асосида Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги онлайн дўкюлар орқали экспорт қилишга ҳақли.

Бунда 5 000 (беш миң) АҚШ долларигача бўлган товарлар электрон тижорат орқали божхона юк декларациясини расмийлаштиришдан, почта хизматларини кўрсатиш қоидаларига мувофиқ реализация қилиниши мумкин.

18. Экспорт қилувчилар ТСОЯЭАТга инвойслар тўғрисидаги тегишли маълумотлар киритилиб, товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати тўлиқ тўлангандан кейин ва экспорт қилувчиларнинг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобрақамларига маблағлар тушгандан сўнг товарларни (ишлар, хизматларни) (ҳом ашё товарларидан ташқари) экспорт контрактисиз инвойс асосида экспорт қилиш ҳуқуқига эга.

19. Экспорт қилувчилар товарлар (ишлар ва хизматлар) экспортини, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат буйича айрим товарлардан ташқари, Интернет тармоғининг электрон савдо майдончалари воситасида экспорт контрактни тузмасдан ва товарлар (ишлар ва хизматлар) экспорти учун банк воситачилик ҳақи олинмасдан амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

20. Ҳужжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо операцияларини мониторингини амалга ошириш буйича давлат божхона ва солиқ хизматлари органлари ҳамда тижорат банклари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

21. Давлат божхона хизмати органлари, тижорат банклари ва ТСОЯЭАТга уланган божқа идоралар ўз вақолатлари доирасида тизимдаги мавжуд ахборотни рухсат берилмаган фойдаланишдан, маълумотларни бузишдан ёки ташқи савдо операцияларини амалга ошираётган ҳужжалик юритувчи субъектларга ёки давлатга зарар етказиши мумкин бўлган бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ташқилик ва техник чора-тадбирларни қиришлари керак.

Давлат божхона хизмати органлари, тижорат банклари ва ТСОЯЭАТдаги мавжуд маълумотлардан фойдаланадиган бошқа идораларнинг раҳбарлари ва бошқа ходимлари мазкур маълумотларни ошқор қилиш, улардан шахсий мақсадларда ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланиш, шунингдек, шу жумладан, ахборотни ҳимоя қилишининг белгиланган қоидаларини бузиш оқибатида учинчи шахсларнинг маълумотларни олишига имконият яратиш ҳуқуқига эга эмас.

ТСОЯЭАТдаги мавжуд ахборотни ҳимоя қилишининг белгиланган қоидалари бузилганлиги, улардан ташқи савдо операцияларини амалга оширувчи ҳужжалик юритувчи субъектларга ёки давлатга зарар етказилишига олиб келган шахсий мақсадларда ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланганлиги учун идораларнинг айбдор раҳбарлари ёки бошқа ходимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ТСОЯЭАТдан фойдаланувчининг ташаббуси ёки тақлифи билан ТСОЯЭАТни дастурий таъминлашга ўзгартиришлар киритиш ёки ҳисобот шакллари жорий этиш зарур бўлган тақдирда, ТСОЯЭАТни дастурий таъминлашга ўзгартиришлар ва ҳисобот шакллари мазкур ўзгартиришлар ташаббускори бўлган идора ҳисобидан молиялаштирилади.

Бунда ТСОЯЭАТга киритиладиган ўзгартиришлар ёки ҳисобот шакллари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ҳамда ТСОЯЭАТнинг ҳудудий эгаси бўлган давлат органи билан мажбурий тартибда қелишилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

### III. ОДАТДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТЛАР

#### 1-ВАЗИЯТ

##### Ўриндош ходим даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби

*Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмида назарда тутилган имтиёзга эга ўриндош ходимга январь ойида 800 000 сўм, февраль-май ойларида эса 850 000 сўмдан иш ҳақи тўланган.*

□ Солиқ имтиёзини қўллаш солиқ тўловчининг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, асосий иш жойи мавжуд бўлмаган тақдирда эса – яшаш жойидаги солиқ органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида амалга оширилади (Солиқ кодексининг 380-моддаси 5-қисми).

Январь-май ойлари учун солиқни ҳисоб-китоб қиламиз:

$4\ 200\ 000 \times 12\% = 504\ 000$  сўмга тенг.

Январь-апрель ойларида 402 000 сўм солиқ ушлаб қолинган. Май ойи учун солиқ суммаси 102 000 сўмга (504 000 – 402 000) тенг.

Январь-май ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 4 200 сўмни ( $4\ 200\ 000 \times 0,1\%$ ) ташкил этади.

Январь-апрель ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар 3 350 сўмни, май ойида эса 850 сўмни (4 200 – 3 350) ташкил этган.

Май ойи учун бюджетга 101 150 сўм (102 000 – 850) солиқ ўтказилади.

Солиқ ушланганидан кейин ходим 748 000 сўм (850 000 – 102 000) иш ҳақи олади.

#### 2-ВАЗИЯТ.

##### Юридик шахсга турар жойни ижарага берувчи ходимнинг даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби

*Ходимнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромади январь ойи учун 1 100 000 сўмни, февраль-май ойлари учун эса 1 200 000 сўмни ташкил этган. Ходим Тошкент шаҳрида жойлашган, майдони 50 кв.м бўлган турар жой биносини 1 январдан бошлаб ижарага бериш тўғрисида иш берувчи билан шартнома тузди ва ҳар ойда 1 500 000 сўм ижара ҳақи олди.*

□ Жисмоний шахсларнинг турар жойни ижарага топширишдан оладиган даромадларига солиқ солиш ижара (ёллаш) шартномасида назарда тутилган тўловдан келиб чиқиб амалга оширилади, бироқ у турар жойни ижарага берадиган жисмоний шахслар учун белгиланган энг кам ижара ҳақи ставкаларидан ҳисоблаб чиқарилган миқдордан кам бўлмаслиги керак (9.12.2019 йилдаги УРҚ-589-сон Қонунга 12-илова).

□ Тошкент шаҳрида бир ойлик ижара тўловининг энг кам миқдори этиб 1 кв.м турар жой учун 12 000 сўм; Нукус ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда – 7 500 сўм; бошқа аҳоли пунктларида – 3 500 сўм белгиланган.

□ ШЖБПҲга бадаллар иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича бажарилган ишлар учун олинган даромадлардан ҳисоблаб ёзилади. Ижара ҳақи тарзидаги даромадлар мулкий даромад бўлганиги ва ишлар бажариш билан боғлиқ бўлмаганлиги боис, ундан ШЖБПҲга ажратмалар қилинмайди.

Ижара ҳақидан ЖШДС суммасини ҳисоблаймиз. Мазкур ҳолатда энг кам ижара ҳақи суммаси 600 000 сўмни ( $12\ 000 \times 50$ ) ташкил этади, у ҳақиқатдаги ижара ҳақидан камлиги боис шартномада назарда тутилган ҳақдан солиқ ҳисобланади:

$1\ 500\ 000 \times 12\% = 180\ 000$  сўм.

Январь-май ойлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромаддан солиқни ҳисоблаймиз:

$5\ 900\ 000 \times 12\% = 708\ 000$  сўм.

Январь-апрель ойларида 564 000 сўм солиқ ушлаб қолинган. Май ойи учун солиқ суммаси 144 000 сўмга (708 000 – 564 000) тенг.

ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 5 900 сўмни ( $5\ 900\ 000 \times 0,1\%$ ) ташкил этади.


Январь-апрель ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар 4 700 сўмни, май ойи учун 1 200 (5 900 – 4 700) ташкил этади.

Май ойи учун бюджетга 142 800 сўм солиқ (144 000 – 1 200) ўтказилади.

Солиқ ушлаб қолинганидан кейин ходимга 2 376 000 сўм иш ҳақи ( $1\ 200\ 000 + 1\ 500\ 000 - 144\ 000 - 180\ 000$ ) тўланади.



Ҳисоб-китоб услубиятини экспертизимиз **Муҳиддин ЗАЙНУДДИНОВ** тайёрлади.



## 2020 ЙИЛНИНГ МАЙ ОЙИ УЧУН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ВА МАЖБУРИЙ БАДАЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ УСЛУБИЯТИ\*

**Май ойида иш соатлари сони:**

5 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – 167;

6 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – 165;

36 соатлик иш ҳафтасида – 148.

**Иш кунлари сони:**

5 кунлик иш ҳафтасида – 21;

6 кунлик иш ҳафтасида – 25.

- Ўзбекистон Республикаси резидентни бўлган жисмоний шахсларнинг барча даромадларига (дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлардан ташқари) 12%лик ставка бўйича солиқ солинади (Солиқ кодексининг 381-моддаси).
- 2019 йил 1 сентябрдан меҳнатга оид муносабатлар соҳасида қўллаш учун ЭКИХ ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲЭKM) жорий этилди. Январь ойида МҲЭKM 634 880 сўмни (3.12.2019 йилдаги УРҚ-586-сон Қонуннинг 41-моддаси; 21.05.2019 йилдаги ПФ-5723-сон Фармоннинг 1-банди), 1 февралдан – 679 330 сўмни (30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555-сон қарорнинг 7-банди) ташкил этади.
- 2020 йилда фуқароларнинг ШЖБПҲга мажбурий ойлик бадаллари ставкаси ходимга ҳисобланган иш ҳақи (даромад) солиқ солинадиган суммасининг 0,1%ини ташкил этади (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорнинг 5-банди).
- Ҳисоблаб чиқарилган ЖШДС суммаси жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган мажбурий ойлик бадаллар суммасига камайтирилади (Солиқ кодексининг 385-моддаси 7-қисми).

### I. АНЪАНАВИЙ ҲИСОБ-КИТОБ

Ходимга январь ойида 1 100 000 сўм, февраль-май ойларида эса – 1 170 000 сўмдан иш ҳақи тўланган. Январь-май ойларида жами даромади – 5 780 000 сўм (1 100 000 + 1 170 000 х 4).

Олинган даромадга 12%лик ставка бўйича солинадиган солиқ:

5 780 000 х 12% = 693 600 сўмга тенг.

Январь-апрель ойларида 553 200 сўм ушлаб қолинган. Май ойи учун солиқ суммаси 140 400 сўмга (693 600 – 553 200) тенг.

Январь-май ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 5 780 сўмни (5 780 000 х 0,1%) ташкил қилади.

Январь-апрель ойлари учун ШЖБПҲга 4 610 сўм ўтказилган, май ойи учун ажратмалар 1 170 сўмни (5 780 – 4 610) ташкил этади.

Май ойи учун бюджетга 139 230 сўм (140 400 – 1 170) ўтказилади.

ЖШДС ва мажбурий бадаллар ушланганидан кейин ходимга 1 029 600 сўм (1 170 000 – 140 400) тўланади.

\*Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ ва бошқа мажбурий бадалларнинг ҳисоб-китоби услубияти январь ойи учун «СБХ»нинг 28.01.2020 йилдаги 4 (1328)-сониди, февраль ойи учун 25.02.2020 йилдаги 8 (1332)-сониди, март ойи учун 24.03.2020 йилдаги 12 (1336)-сониди, апрель ойи учун 21.04.2020 йилдаги 16 (1340)-сониди чоп этилган.

## II. ИМТИЁЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА

### 1-ВАЗИЯТ

**Даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланадиган имтиёз қўлланилган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби**

*Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг меҳнатига январь ойида 1 800 000 сўм, февраль-май ойларида эса – 1 920 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь-май ойлари учун жами даромад – 9 480 000 сўм (1 800 000 + 1 920 000 x 4).*

Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг (масалан, 16 ёшдан ошмаган икки ва ундан ортиқ болалари бўлган ёлғиз оналар) жами даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Солиқ солинадиган даромадни ҳисоб-китоб қиламиз:

$9\,480\,000 - ((634\,880 \times 1,41) + (679\,330 \times 1,41) \times 4) = 4\,753\,398$  сўмга тенг.

Январь-май ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:

$4\,753\,398 \times 12\% = 570\,407,76$  сўм.

Январь-апрель ойларида 454 950,4 сўм солиқ ушлаб қолинган. Май ойи учун солиқ суммаси 115 457,36 сўмга (570 407,76 – 454 950,4) тенг.

Январь-май ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 4 753,4 сўмни (4 753 398 x 0,1%) ташкил қилади.

Январь-апрель ойларида ШЖБПҲга 3 791,25 сўм ўтказилган, май ойи учун ажратмалар 962,15 сўмни (4 753,4 – 3 791,25) ташкил қилади.

Бюджетга 114 495,21 сўм (115 457,36 – 962,15) ЖШДС ўтказилади.

Ходим қўлига 1 804 542,64 сўм (1 920 000 – 115 457,36) иш ҳақи олади.

### 2-ВАЗИЯТ

**Даромад имтиёз суммасидан кам бўлганда ЖШДС ҳисоб-китоби**

*Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг меҳнатига январь ойида 800 000 сўм, февраль-май ойларида эса – 850 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь-май ойлари учун жами даромад – 4 200 000 сўм.*

Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг (масалан, 16 ёшдан ошмаган икки ва ундан ортиқ болалари бўлган ёлғиз оналар) жами даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Январь-май ойлари учун солиқ солинмайдиган даромад миқдорини ҳисоблаймиз:

$((634\,880 \times 1,41) + (679\,330 \times 1,41) \times 4) = 4\,726\,602$  сўм.

Ходимнинг даромади (4 200 000 сўм) имтиёз суммасидан (4 726 602 сўм) кам бўлганлиги сабабли январь-май ойлари учун солиқ ҳисобланмайди.

Солиқ солинадиган даромад мавжуд бўлмаганлиги учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар тўланмайди.

Ходим қўлига 850 000 сўм иш ҳақи олади.

### 3-ВАЗИЯТ

**Моддий ёрдам олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби**

*Ходимнинг меҳнатига январь ойи учун 1 400 000 сўм, февраль-май ойларида эса 1 500 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь ойида унга фарзандли бўлганлиги муносабати билан 2 800 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган.*

Солиқ кодексининг 378-моддаси 1-бандига кўра бир йил давомида МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача миқдорда бериладиган қуйидаги моддий ёрдам суммаларига: вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар; ходимга меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар; бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан бериладиган тўловлар; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловларга ЖШДС солинмайди.

Имтиёз миқдорини ҳисоблаймиз:

$(634\,880 \times 4,22) = 2\,679\,193,6$  сўм.

Солиқ солинадиган даромад 7 520 806,4 сўмга (1 400 000 + 2 800 000 – 2 679 193,6 + (1 500 000 x 4)) тенг.

Январь-май ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:

$7\,520\,806,4 \times 12\% = 902\,496,77$  сўм.

Январь-апрель ойларида 722 496,77 сўм солиқ ушлаб қолинган. Май ойида солиқ суммаси 180 000 сўмни (902 496,77 – 722 496,77) ташкил этади.

ШЖБПХга мажбурий бадаллар суммаси 7 520,8 сўмни (7 520 806,4 x 0,1%) ташкил этади.  
Январь-апрель ойларида ШЖБПХга ажратмалар 6 020,81 сўмни, май ойида 1 499,99 сўмни (7 520,8 – 6 020,81) ташкил этади.  
Май ойи учун бюджетта 178 500,01 сўм (180 000 – 1 499,99) ЖШДС ўтказилади.  
Ходим 1 320 000 сўм (1 500 000 – 180 000) иш ҳақи олади.

#### 4-ВАЗИЯТ

##### Қимматбаҳо совға олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби

*Ходимнинг меҳнатига январь ойида 1 500 000 сўм, февраль-май ойларида эса 1 600 000 сўм иш ҳақи тўланган. Унга январь ойида 2 000 000 сўмлик маиший техника совға қилинди.*

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 10-бандига кўра бир йил мобайнида юридик шахслардан МҲЭКМнинг 2,11 баравари миқдоригача бўлган суммада олинган совғаларнинг қийматига солиқ солинмайди (634 880 x 2,11 = 1 339 596,8 сўм).

Солиқ солинадиган даромад 8 560 403,2 сўмга (1 500 000 + 2 000 000 – 1 339 596,8 + 1 600 000 x 4) тенг.

Январь-май ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:

8 560 403,2 x 12% = 1 027 248,38 сўм.


Январь-апрель ойларида 835 248,38 сўм солиқ ушлаб қолинган. Май ойида солиқ суммаси 192 000 сўмни (1 027 248,38 – 835 248,38) ташкил этади.

Январь-май ойлари учун ШЖБПХга мажбурий бадаллар суммаси 8 560,4 сўмга (8 560 403,2 x 0,1%) тенг.

Январь-апрель ойларида ШЖБПХга ўтказиладиган ажратмалар 6 960,4 сўмни, май ойида 1 600 сўмни (8 560,4 – 6 960,4) ташкил этади.

Май ойида бюджетта 190 400 сўм (192 000 – 1 600) ЖШДС ўтказилади.

Ходим кўлига 1 408 000 сўм (1 600 000 – 192 000) иш ҳақи олади.



#### 5-ВАЗИЯТ

##### Бир нечта имтиёзни ҳисобга олган ҳолда (ҳар ойда даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг суммани чегирини, моддий ёрдам ва қимматбаҳо совға олинганда) ЖШДС ҳисоб-китоби

*Солиқ кодексининг 380-моддасига кўра имтиёзга ҳақли бўлган ходимга январь ойида 1 500 000 сўм, февраль-май ойларида эса 1 600 000 сўм иш ҳақи тўланган. Январь ойида унга никоҳдан ўтиши муносабати билан 3 000 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган ва 2 000 000 сўмлик қийматга эга совға топширилган.*

Қуйидагиларга мувофиқ:

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимнинг солиқ солинадиган даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма ((634 880 x 1,41) + (679 330 x 1,41 x 4)) = 4 726 602 сўм) чиқариб ташланади;

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 1-бандига мувофиқ МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача (634 880 x 4,22 = 2 679 193,6 сўм) миқдорда бериладиган моддий ёрдам суммасига ЖШДС солинмайди;

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 10-бандига кўра юридик шахслардан бир йил мобайнида МҲЭКМнинг 2,11 баравари (634 880 x 2,11 = 1 339 596,8 сўм) миқдоригача олинган совғаларнинг қийматига ЖШДС солинмайди.

Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:

7 900 000 – 4 726 602 + 3 000 000 – 2 679 193,6 = 4 154 607,6 сўм.

Январь-май ойлари учун солиқни ҳисоб-китоб қиламиз:

4 154 607,6 x 12% = 498 552,91 сўм.

Январь-апрель ойларида 421 495,55 сўм солиқ ушлаб қолинган. Май ойида солиқ суммаси 77 057,36 сўмни (498 552,91 – 421 495,55) ташкил этади.

ШЖБПХга мажбурий бадаллар суммаси 4 154,6 сўмни (4 154 607,6 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-апрель ойларида ШЖБПХга ўтказиладиган ажратмалар 3 512,46 сўмни, май ойида 642,14 сўмни (4 154,6 – 3 512,46) ташкил этади.

Бюджетта 76 415,22 сўм (77 057,36 – 642,14) солиқ ўтказилади.

Ходим кўлига 1 522 942,64 сўм (1 600 000 – 77 057,36) олади.



## ТАКСИ ХАРАЖАТЛАРИНИ СОЛИҚ БАЗАСИДАН ЧЕГИРИШ МУМКИН

**?** *Карантин шароитида корхонада ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб қайтиш, шунингдек – ишга доир масалалар бўйича у ёки бошқа жойга ташиш зарурати юзасдан келди. Такси хизмати билан шартнома тузилди. Корхонанинг таксига харажатлари ходимларнинг даромадлари ҳисобланадими?*

– Корхонанинг ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб қайтиш бўйича харажатларига ходимларнинг даромади сифатида қаралмайди (СК 369-м. 2-қ. 4-б.). СКда қандай транспорт билан ходимларни ташиш амалга оширилиши кераклиги юзасидан кўрсатмалар мавжуд эмас. Бу ҳам шахсий автотransпорт, ҳам ижарага олинган автотransпорт, ҳам транспорт ташкилотлари (шу жумладан – такси) билан тузилган шартномаларга асосан ташиш бўлиши мумкин.

Одатдаги вақтда жамоат транспортида амалга ошириладиган хизмат юзасидан бориб келишлар, карантин шароитида таксиди амалга оширилиши мумкин. Улар ходимнинг эмас, балки корхонанинг манфаатларида амалга оширилади. Яъни улар ходимларнинг моддий наф тарзидаги даромадларига киритилиши мумкин эмас, балки корхонанинг махсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш учун ёки маъмурий-бошқарув ходимларининг хизмат юзасидан бориб келишлари харажатлари ҳисобланади.

Карантин шароитида жамоат транспорти бўлмаганда корхона такси харажатларини **тадбиркорлик фаолиятини саклаб қолиш учун зарур харажатлар** деб эътироф этиши мумкин. Тегишинча, фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланади деб тан олиш мумкин (СК 305-м. 4-қ. 2-б.). Бундай харажатлар иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаганлигини асослаш учун (СК 305-м. 2-4-қ.), мисол учун, ходимларнинг яшаш жойини инобатга олган ҳолда такси ва автобусни ижарага олиш харажатларини солиштириш мақсадга мувофиқ. Бу раҳбариятга транспорт харажатлари бўйича иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Бунда ишлаб чиқариш цехлари ходимларини ташиш бўйича харажатлар товарлар (хизматлар) таннарихига киритилади. Қолган ҳолларда улар давр харажатларига киритилиши даркор (*Низом, 1.5.9, 2.2.3-б., ВМнинг 05.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган*).

Карантин шароитида такси хизматларидан фойдаланиш – бу вақтинча чора. Афтидан, бундай харажат корхонанинг солиқ солиш мақсадларида корхона ҳисоб сифатида (ССХС) акс эттирилмаган. Ушбу қарорни раҳбарнинг буйруғи (фармойиши) билан расмийлаштиришни ва ССХСга тегишли қўшимча тарзида тасдиқлашни тавсия қиламиз (СК 77-м. 5-қ.).



*Такси хизматларидан фойдаланишида солиқ текшируви чоғида ушбу харажатлар моддий наф тарзидаги даромад сифатида жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларига киритилиши ва (СК 373-м. 13-б.) бунинг аксини исботлашга тўғри келиши хатари мавжуд. Шу боис сиз юқорида кўрсатилган ҳужжатларни расмийлаштиришга алоҳида эътибор билан ёндашишингиз лозим бўлади.*

Корхона ташишни таъминлаши муҳим. Агар ходимлар таксиди келишса, тўловни корхона транспорт ташкилоти билан тузилган шартномага асосан амалга ошириши керак. Агарда такси учун тўлов корхона билан транспорт ташкилоти ўртасидаги шартномага асосан эмас, балки жисмоний шахсларга компенсация тарзида амалга оширилса, ходимлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромад оладилар (СК 373-м. 13-б.). Ушбу даромадга ҳам ЖШДС, ҳам ижтимоий солиқ солинади.

Вазиятни «Норма» МЧЖ эксперти **Ольга БУСАРОВА**, [buxgalter.uz](http://buxgalter.uz) эксперти **Татьяна ЛИМАРЕВА** тушунтирдилар.

### ТАДКИКОТ

## ИНВЕСТИОРЛАР ПОРТАЛИ – ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ДАСТАГИ

Мамлакатимизда охириги 3 йилнинг номланиши:

2018 йил – «**Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили**»;

2019 йил – «**Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили**»;

2020 йил – «**Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили**» деб эълон қилиниши, инвестицион фаоллигини оширишга қанчалик урғу берилаётганлигидан далолатдир.

Инвестициялар инвесторга даромад, давлатга бюджет тушумларини таъминлаб, аҳолига қўшимча иш ўринларини яратиб, иқтисодиётнинг асосини ташкил қилади.

Илмий адабиётларда инвестиция фаоллиги тушунчаси иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида самарали инвестицион харажатларни амалга ошириш, инвестицияларни жалб этиш, иқтисодиётнинг муайян реал секторида фаолиятни ташкил этиб аниқ натижаларга эришиш, стратегик бошқарув қобилиятига эга бўлган шахснинг фаол ҳаракати асосида барча имкониятлардан тўлиқ, самарали фойдаланишни таъминлаш сифатида таърифланади.

Амалиётда инвестицион фаоллик даражаси республика, минтақалар (вилоят, туман) миқёсида муайян ҳудудга киритилган чет эл инвестициялари, ажратилган банк кредитлари, инвесторнинг ўз ҳисобидан сарфлаган маблағлар, яратилган иш-

чи ўринлари миқдори орқали ифодаланади.

Бунга қўшимча равишда таъкидламоқчи эдикки, ҳар бир юридик ва жисмоний шахсга инвестор сифатида қараш ғоясини амалиётга татбиқ этиш юртимизда умумий инвестиция фаоллигини оширишига хизмат қилади.

Ушбу ғояни амалга татбиқ этиш йўлида эса, фикримизча, **мамлакатимиз резидентларининг инвестиция активлигини кўрсатувчи интернет порталини** ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур порталда ҳар бир резидент – у қув муассасасини тугатиб ҳозирча ишсиз ёш мутахассис ёки йирик корхона бўлади – ўз профилига фаолият тури, ишлаб чиқарётган махсулоти, киритмоқчи бўлган инвестицияси ва бошқалар ҳақида маълумот киритиш имкониятига эга бўлади ва тегишинча ҳар бир резидентга инвестициявий активлиги бўйича рейтинг берилиши мумкин.

Порталда инвестор учун зарур бўлган базавий маълумотлар, ҳар бир соҳа технолог ва бошқа мутахассислари билан алоқа қилиш имкони бўлиши керак.

Асосийси, портал орқали инвесторга муҳим масалалар, аниқ жабҳаларда – ер ажратиш бўладими, коммунал тизимларга, коммуникацияларга уланish бўладими ва х.к. – қандай амалий ёрдам берилаётганлигини назорат қилиб бориш имконияти яратилади.

Амалиётда ўз ишини бошламоқчи бўлган ишбилармонлар ҳуқуқий, молиявий, меҳнат муносабатлари масалаларида етарлича билимга, қонун доирасида ҳисоб юритиш бобида малакали бухгалтерни ёллаш учун маблағга эга бўлмаслиги мумкин. Бу эса бизнесни яширин иқтисодда юритишга рағбат тўғдиради. Ушбу муаммоларни ҳам ҳал қилишда инвесторлар портали самарали дастак бўлиши мумкин.

Бундай порталнинг ташкил қилиниши юртимизда инвестиция қилиш маданиятини ошириб маҳаллий инвесторлар сони кўпайишига хизмат қилади.

Шубҳасиз, ташки (хорижий) инвестицияларнинг кириб келиши иқтисодиётда катта самара беради: ян-

*Жаҳон таърибаси шунинг кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сийсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди.*

**Шавкат Мирзиёев,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти.

ги иш ўринлари яратилади, бюджетга тушумлар ошади, импорт камаяди. Айни вақтда ташки инвестиция ҳисобига шаклланган корхона трансмилий корхонага айлантириш билан бир қаторда ички инвестиция ҳисобига шаклланган корхона трансмилий корхонага айлантириш йўли ҳам улкан самара бериши мумкин. Хусусан, бунда ички инвестор томонидан амалга оширилган ишлаб чиқариш лойиҳаси технологиясининг эгаси ўз резидентимиз ҳисобланиб, у махсулотни маҳаллий бренд остида экспорт қилади.

Хулоса сифатида инвесторлар порталини яратиш ҳар бир юридик ва жисмоний шахсга инвестор сифатида ўзини намаён этишда ташкилий-информацион кўмак бериш механизми бўлиб, юртимизда умумий инвестиция фаоллигини оширишда янги тўлқин шаклланишига хизмат қилиши мумкинлигини таъкидлаймиз.

**Руслан КАДИРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси  
тинловчиси.

ПОЧТА ҚУТИСИ

# РЕСПУБЛИКАДА СОТИЛГАНДА ИМТИЁЗЛАР САҚЛАБ ҚОЛИНАДИ

**?** Ташиқлотимиз 2019 йил январдан умумбелгиланган солиқларни тўлаб келади. 2019 йилнинг апрель ва май ойларида импорт эҳозини қисмларга ажратилган ҳолда (эҳтиёт қисмлар бўйича, ҳар бирининг номини алоҳида кўрсатган ҳолда) харид қилдик. Буюртмачи ҚҚС бўйича имтиёзга эга бўлганлиги сабабли жиҳоз божхонадан имтиёзли шартда импорт қилинди. 2019 йилда биз келтирилган импорт жиҳоз (эҳтиёт қисмлар) учун тўловлар киритмадик. Имтиёз мавжуд бўлганлиги боис 14 та тайёр маҳсулот (жиҳоз) жамланмасини заводда йиғиб, буюртмачига ҚҚСиз сотдик.

2020 йил апрелида буюртмачи 2 та жиҳозлар жамланмасидан воз кечиб, уларни бизга қайтарди. Бир ҳафта ўтгач, биз ҚҚС бўйича имтиёзга эга бўлмаган бошқа мижозни топиб, унга жиҳозни 15%лик ҚҚС билан сотдик.


Бу 2 та жамланмани энди қандай расмийлаштиришимиз керак? ҚҚС тўлаши ва божхона декларацияларини қайта тузишимиз керакми?

– Импорт қилинадиган жиҳозларни реализация қилиш тартиби Маблагларни инвестицияга йўналтирувчи юридик шахслар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (АВ томонидан 25.08.2017 йилда 2918-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 3-бобида белгиланган.

Божхона имтиёзлари қўлланилган ҳолда импорт қилинган технологик жиҳоз у олиб кирилган пайдан эътиборан 3 йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган бўлса, божхона тўловларига оид

имтиёзларнинг амал қилиши бекор қилинади. Тўланиши лозим бўлган тўловларни тўлаш бўйича мажбурият жиҳозни экспорт қилувчига юклатилади. Экспортёр божхона органларига технологик жиҳозни импорт қилишда божхона расмийлаштируви амалга оширилган БЮДнинг кўчирма нусхасини тақдим этиши лозим.

Божхона имтиёзларини қўллаган ҳолда импорт қилинган технологик жиҳоз Ўзбекистон ҳудудида реализация қилинган ёки бепул берилган тақдирда божхона тўлов-



ларни тўлаш бўйича мажбуриятлар юзага келмайди.

Бунда импорт қилинган технологик жиҳозни бераётган томон (импорт қилувчи, сотувчи, эгаси) харидорга технологик жиҳозни импорт қилишда божхона расмийлаштируви амалга оширилган БЮДнинг кўчирма нусхасини тақдим этиши лозим.

Низомда белгиланган имтиёзларнинг тўғри қўлланиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан Солиқ кодексига мувофиқ амалга оширилади.

Технологик жиҳоз Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади-

ган технологик жиҳозлар рўйхати-га (АВ томонидан 20.03.2013 йилда 2436-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ ҚҚС ва импорт божхона божларидан озод этилади.

Божхона имтиёзлари бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларга, улар контрактга (шартномага) мувофиқ технологик жиҳозлар билан бирга ажралмас қисми сифатида етказиб берилган тақдирда, татбиқ қилинади.

Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар татбиқ этиладиган технологик жиҳоз олиб кириладиганда, божхона юк декларациясининг «Преференция» номли 36-графасида божхона тўловларидан озод қилинишининг тегишли кодлари кўрсатилади.

## ИМТИЁЗ – ТОВАРЛАР УЧУН, ИМПОРТ ҚИЛУВЧИ УЧУН ЭМАС

**?** Президент томонидан яқинда қабул қилинган «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонда божхона божи тўлашдан озод қилинган импорт қилинадиган хом ашё ва материаллар рўйхати келтирилган. Биз олиб кираётган товарнинг ТИФ ТН коди ушбу рўйхатда мавжуд, лекин корхонамизнинг тўқимачилик соҳасига умуман алоқаси йўқ. Уларни қайта сотиш учун олиб кирамиз.

Мазкур имтиёзлар фақат тўқимачиларга тааллуқлими ёки ҳар қандай импортчиларга ҳамми?

**?** Биз тўқимачилик буюмларини ишлаб чиқарамиз. Уни ишлаб чиқариш учун хом ашё келтирамиз.

Маҳсулотимиз экспорт қилинган тақдирда қўшилган қиймат солиғимиз бизга Президентнинг ПФ-5989-сон Фармонида мувофиқ қайтариб берилди.

– Президентнинг «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (5.05.2020 йилдаги ПФ-5989-сон) 2-бандида иловага мувофиқ импорт қилинадиган хом ашё ва материаллар 2022 йил 1 январга қадар божхона божи тўлашдан озод қилинган. Унда мазкур

имтиёз татбиқ этиладиган товарларнинг ТИФ ТН кодлари келтирилган. Тегишли тарзда улар товарларни импорт қилувчининг фаолият соҳасидан қатъи назар, олиб кириладиган товарларга нисбатан татбиқ этилади.

Шунингдек Фармоннинг 3-бандига мувофиқ 2020 йил 1 майдан 31 декабрга қадар қўшилган қиймат солиғини қайтаришнинг соддалаштирилган тартиби амал қилади. Унга биноан калава ва толадан ташқари, экспорт қилинадиган тўқимачилик ва тикув-трикотаж товарлари (хизматлари) учун фойдаланилган, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) ҚҚС тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхонасининг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ҳисобрақамига келиб тушган валюта тушуми суммасидан қатъи назар ҳисобга олинади ҳамда экспорт қилувчининг ўрнатилган тартибда бериладиган аризасига асосан қайтарилиши шарт.

Бунда, ҚҚСнинг қайтарилган суммаси ёки унинг бир қисми товарлар экспорт божхона режими остида чиқарилган кундан эътиборан 180 календарь кун ичида валюта тушуми ёки унинг бир қисми экспорт қилувчининг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ҳисобрақамига келиб тушмаган тақдирда, шунингдек, аризада қайтарилиши кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммаси асосланганлигини камерал солиқ текширувдан ўтказиш давомида аниқланган ғайриқону-

ний ҳисобга олинган ҚҚС суммаси 5 кун ичида пеня ҳисобланган ҳолда Давлат бюджетига қайтарилиши шарт.

ҚҚСни қайтаришнинг соддалаштирилган тартиби тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарига улар томонидан охириг 12 ой давомида товарлар экспорти амалга оширилган, шунингдек, экспорт қилинган товарлар бўйича 10 минг АҚШ долларидан кўп миқдорда муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд бўлмаган тақдирда татбиқ этилади. Бунда, товарлар экспорт божхона режими остида чиқарилган кундан эътиборан 180 календарь кун ичида валюта тушуми экспорт қилувчининг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ҳисобрақамига келиб тушмаган тақдирда, дебитор қарздорлик муддати ўтган деб ҳисобланади.

**Маълумот учун.** Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали пахта ип-калаваси ва трикотаж матони олиб чиқишда 2021 йил 1 январдан бошлаб олиб чиқиладиган ҳар бир кг ип-калага учун 0,01 АҚШ доллари, 2022 йил 1 январдан олиб чиқиладиган ҳар бир кг ип-калага ва трикотаж мато учун 0,05 АҚШ доллари, 2023 йил 1 январдан – 0,1 АҚШ доллари, 2025 йил 1 январдан – 0,2 АҚШ доллари миқдоридан йиғим ундирилади (ПФ-5989-сон Фармон 8-бандининг «б» кичик банди).

«Божхона» бўлимини махсус муҳбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

<p><b>СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ</b></p> <p>Молиявий-иқтисодий, ахборот-қўқуқий газета</p> <p><b>ТАЪСИСЧИ</b> «Норма» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиби рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқди.</p>	<p>Бош муҳаррир <b>Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ</b></p> <p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб <b>Нодир Носирович АЛИМОВ</b></p> <p>Саҳифаловчи <b>Наталья БАРАНОВА</b></p>	<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 <b>ТЕЛЕФОН/ФАКС</b> Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p> <p>Газета нашри – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СЕХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоз Би-чими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда. Буюртма г-515. Адади 640. Газета 2020 йил 25 май соат 16.30 да топширилди.</p>
--	---	---	---